*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!*

# ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, МУҲАРРАМ, 30-КУН. ● ШАМСИЙ, 1412 ЙИЛ. АСАД, 9-КУН.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси*

*1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган* — 1992 ЙИЛ 31 ИЮЛЬ, ЖУМА, 147-СОН • 398 • — НАРХИ: СОТУВДА 2 СЎМ.

*1 сентябрь—Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни*

## *Барқарор олам тоқида байроқ-ялобиримиз, эрк деганлар олди эрк албатт илоҳийдир!*

*Мурод МУҲАММАД ДЎСТ*

# ТУРКИЯДАН—ТУРКИЯГАЧА

**ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИР ОЙ БУРУН ТУРКИЯДА БЎЛИБ ҚАЙТДИ. САФАР РАСМИЙ БЎЛМАГАНИ УЧУН БУ ҲАҚДА ОРТИҚЧА ШОВ-ШУВ ҚИЛИНГАНИ ЙЎҚ. АММО ТУРК БИРОДАРЛАРИМИЗ ЮРТИДА КЕЧГАН УЧРАШУВЛАР БАҲОНАСИДА ТУҒИЛГАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРНИ НОРАСМИЙ ТАРЗДА ЎҚУВЧИЛАРГА ЕТКАЗИШ ЗАРУРАТИ БОРДАЙ.**

Президент Турғут Ўзал — оғир-босиқ сиёсатчи. Иқтисод илмида тенги кам. «Туркия модели» бешиги тепасида турган кишилардан бири.

## 1. ТАЖРИБА ТАДРИЖИ

МАЪЛУМКИ, Ислом Каримов у ёққа Жаҳон Иқтисодий Анжуманида қатнашиш мақсадида борди. Анжуманда қатнашди, маъруза қилди, иккита мажлис ўтказди, муҳбирлар билан учрашди ва уларга баёнот берди. Расмий доирадаги гапларга сал кечроқ қайтамиз. Ҳозирча икки оғиз сўз Президент Ислом Каримов ва унинг Туркиядаги нуфузи ҳақида.

Ўзбекистон тарафи МДҲ миқёсида ўзаро хавфсизлик хусусидаги шартномани имзолаганидан кейин турли сиёсий ва сиёсатдон давраларда гўёки бу қадам Туркия тарафига маъқул келмади, деган гаплар оралаб қолди. Бу гаплар Президентнинг қулоғига бориб етганми, йўқми — буниси номаълум. Аммо, агар етган бўлса, Ислом Каримов Истанбулнинг Отатурк ҳаво лиманига қўнган пайтидаёқ миш-мишларда маҳобат этилган ҳолатнинг тамом аксини кўрди. Пешвоз олиш, турган гапки, рисоласида бўлди. бироқ энг зиракроқ одам ўзаро лутф ва табассумларда расмият анча кам эканини пайқаб олиши қийин эмасди.

Президент Туркиядаги «имиж»и масаласида қайғурмаса ҳам бўлади. Масала анча олдин ҳал этилган. Ортгирилган обрўнинг бир қисми ўтган йил декабр ойидаги расмий ташрифга, қолгани — Бош вазир Демиралнинг баҳордаги жавоб зиёратига тўғри келади. Умуман, турк журналистларининг фикрича, Ислом Каримовнинг Туркияда маълум ва машҳур бўлишида Сулаймон Дамиралнинг, Истанбулдаги анча нуфузли ўзбек қавмиятининг маълум Маънода, норасмий консуллик вазифасини ўтаб турган Ирфон Куртўғлининг хизматлари катта. Қолаверса, Президент Турғут Ўзал билан декабрдаги учрашувлари ҳам вақтида кенг овоза қилингани Ўзбекистон Президентига қўл келди. Турган гапки, Ислом Каримов Туркиядаги ички сиёсий аҳволдан, турли сиёсий гуруҳлар ва партияларнинг ўзаро рақобатидан яхшигина хабардор. Шу боис, ўз баёнотларида бу мавзуни моҳирона четлаб ўтади.

Ўзбекистон Президенти ҳақидаги таассуротни бобокалонлари Ажаристондан Туркияга бориб қолган, бугунги кунда ўзини ҳақиқий турк деб ҳисобловчи бир журналист ғоят лўнда ифода этди: «КАРИМБЕЙ — ЖАСУР ИНСОН!»

Ва бу эътирофдан кейин кишига ботмайдиган тарзда ўпка-гина қилдики, сизлар, Ўзбекистон турклари, русча «-ов»лардан тезроқ воз кечсангиз соз бўларди. Турган гапки, биз турк биродаримизга тез орада «-ов»ларга барҳам берамиз, дея ваъда қилдик.

— Ўзбекистон Жумҳуриятининг биринчи Президенти Ислом Каримов эмас, ИСЛОМ КАРИМ бўлса ярашади! — деди у.

Мухбир ўз кўнглимиздаги гапни айтди. Аммо, бундоқ ўйлаб қарасак, эски тузум ўлчаб-кесган «қуюшқон» ўта пишиқ экан, яъники аждодларимиз удумини тутмак, камтарин исмимизни гап аввалига қўйиб, ортидан отабололаримизнинг мубарак номларини бизга буткул бегона «-ов» деган тушовсиз, фахр ва ғурур билан баралла айтмоқ эришроқ туюларкан. Минг афсуски, ёт мафкура мияга сингани боис, «жаноб», «ҳазрат», «тақсир» каби мўътабар атамалар мазахга ўхшаш оҳанг касб этиб улгурибди. Раҳбарларни «-вич»сиз аташку — нақ шаккокликнинг ўзи!

Ожизлик қурсин, кўнгилда ҳавас уйғонди. Турк биродарларимиз ўз президентларини қавмият удумига кўра Турғут Ўзал деб атаганлари каби, ўз бошчимизнинг унвонини аслича — Ислом Карим деб аташ миллий руҳимизда инқилоб ясайдигандай бўлиб кўринаверди.

Мухбирнинг таърифи яқин ўтмишни тузукроқ эслашга мажбур этди. Биз, Ўзбекистон фуқаролари, Президент Ислом Каримнинг қаттиққўл раҳбар эканини яхши биламиз. Аммо биз воқеаларнинг шоҳиди, уларнинг бевосита иштирокчиси бўлиб яшаётганимиз боис, жумҳуриятнинг мустақиллигини эълон этиш арафасида, ундан сўнг Масков тарафлар биз овоза этган мустақилликка шунчаки ҳазил дегандай мазмунда истеҳзо билан қараган кезларида, ундан-да кейинроқ эса, буюк империя парчаланганини кўриб, қаттиқ сесканиб, алам ва пушаймонлар билан дўқ-пўписа ва ҳаттоки дағдаға қилганларида — ана шундай кескин ва мураккаб дамларда бугунги салтанат жиловини тутиб турганлар, шу жумладан, Ислом Каримнинг ҳам, бизга отамерос бўлган ҳадикни енгиб, эҳтиромлари, умрларида биринчи бор **ҳақиқий мардлик** кўрсатганларини сал унутиб қўйгандаймиз.

Илло, биз ҳаммамиз, бугун «халқ эрки учун курашганмиз!» дея кўкракларига аёвсиз муштлаётган биродарларимиз ҳам, ҳеч бир мустаснosиз муте эдик. Бугун, замонлар ўзгариб, елкамизга офтоб тега бошлаган пайтда серкалик даъво қилишдан осони йўқ. Табиийки, халққа бошчилар жуда керак, аммо бошчилик даъвосини қилишдан олдин кўҳна журъатсизлигимиз учун озгина истиғфор айтилса ҳам зиён қилмасди.

Мана, ўн бир ойдирки, биз ОЗОДЛИК туйғусига кўникяпмиз, оддий фуқародан тортиб, токи президентимизга қадар — ҳаммамиз кўнглимиздан қулликни, мутеликни қувиб чиқаряпмиз.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасида тажрибаси кам. Бурунги раҳбарлар Масков орқали чет элларга кўнгилхуши учун йилда бир-икки сафар қилиб турғувчи эди. Аммо худо манглайимизга ёзган янги раҳбар умрида бирор марта ҳам чегара ҳатламаган одам бўлиб чиқди. Дипломатик тамойиллар, музокара тартиблари, сиёсий ўйинлар ва умуман давлат раҳбарига асқотадиган қувликлар Ислом Карим учун буткул янгилик эди. У гўёки машқ кўрмасдан жанг майдонига тушган аскар эди — жанг қоидаларини майдоннинг ўзида ўрганишига тўғри келди.

Ўтган йилнинг декабрида Туркияни зиёрат этгани — Ислом Каримнинг илк расмий сафари. У ўзига кўрсатилган меҳр ва илтифотдан ғоят мамнун бўлди ва шу ҳаяжон ичра «Бизлар Туркия йўлидан борамиз!» дея баёнот берди. Президентнинг Туркия модели ва халқи ҳақидаги ҳавас аралаш гаплари самимий эди. Аммо мухолифлар, уларнинг ашаддий туркпарастлари ҳам, баёнотдан қусур ахтаришга киришдилар. Топилган гап шу бўлдики, Туркия — анча қолоқ мамлакат, уларнинг модели бизга маёқ бўлолмайди (гўё ўз тараққиётимиз ғовлаб кетгандай!).

Орадан ярим йил ўтди. Бу орада Ислом Карим Хельсинки Шартномасини имзолади. Хитойга бориб, афсонавий триумвират «синон»идан ўтди. Жанубий Кореяга, Малайзия ва Индонезияга сафар қилди. МДҲ доирасида ҳам анча фаоллик кўрсатди. Ўзбекистонга келган давлат раҳбарлари, сиёсатшунослар, бизнесчилар, нуфузли мухбирлар билан учрашди, гаплашди, тажриба орттирди.

Саудия Арабистонига, хусусан, Макка ва Мадинага саёҳатни алоҳида эслаш лозим. Бу сафарнинг фақат ташқи сиёсатдагина эмас, ички сиёсатда ҳам ўз ўрни бор. Президент, халқ тилида айтганда, бир ўқ билан икки қўённи урди: ҳам мусулмон оламига рўй-рост кўриниш берди, ҳам мамлакат ичкарисидаги сиёсийлашган диний гуруҳлар билан бемалол гаплашиш имконини қўлга киритди.

Хуллас, орадаги ярим йил бекорга кетгани йўқ. Ярим йил ўтиб, Истанбулдаги янги учрашувда Президент яна аввалги баёнотини такрорлади: «БИЗЛАР ТУРКИЯ ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ». Такрордан кейинги қисқача изоҳ эса, Ислом Каримнинг сиёсат бобида хийла маҳорат пайдо этганидан дарак беради: «Биз Туркия моделини танлаб, уни **ўз шароитимизга мосласак**, бозор муносабатларига ўтишимиз анча тезлашади».

Илк зиёратдаги баёнотда ҳис-ҳаяжон кўпроқ эди. Иккинчи сафар пайтидаги иқрор эса — анча пухта ўйланган. Сабабки, ўртада ярим йиллик тажриба бор. Ва бу муддат ичида бўлиб ўтган бир турфа воқеалар ҳам борки, уларни эсламасликнинг иложи йўқ. Уларни хотирлаш шу жиҳатдан ҳам жоизки, айрим тафсилотлар ойдинлашганидан кейин, ярим йил олдинги тажрибаси кам сиёсатчи Ислом Каримнинг ўша пайтдаёқ деҳқонча бир зукколик билан шамолнинг зўри қай тарафдан эсишини пайқаганини кўриш мумкин.

Муҳтарам ўқувчининг шу йил баҳорида Ўзбекистонга жаноб Бейкер келиб-кетганидан хабари бор. Туркистон сафари чоғида АҚШ давлат котиби Президент Аҳаев билан Президент Назарбоевга алоҳида илтифот кўргазди. Айни замонда у қолган қўшни давлатларда сал қовоқ уйгандай бўлди ва ҳаттоки, сизларни Америка бу ерларда демократия батамом қарор топганидан кейингина тан олиши мумкин, деган шаъмаларни ҳам қилди. Ислом Карим нуфузли меҳмонни иззат-икром билан узатиб қўйди, аммо ўн биллиганидан — қаттиққўллик билан сиёсат юргизишдан қолмади.

Жаноби Бейкернинг замзамаларини Масков матбуоти бирор ойча оламга достон қилди: Қўшма Штатлар ғайридемократик Ўрта Осиё режимларини тан олмайди, уларга ёрдам бермайди ва ҳоказо ва ҳоказо. Бироқ собиқ «оға»ларимизнинг қувончи кўпга чўзилмади. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасини расман тан олди. Тан олиш ҳам гапми, Тошкентда биринчи бўлиб элчихона очди.

Сиёсий эврилиш шарҳини сал ортроққа суриб, айни жойда демократия тушунчаси ҳақида озгина мушоҳада этсак. Тушунчанинг асл моҳияти ҳаммага маълум, яъники — халқ ҳокимияти. Амалиётга кўчадиган бўлсак, давлатни халқ ёппасига идора этишини тасаввур этиш жуда қийин. Бу — мумкин бўлмаган ҳол. Вакиллар орқали давлатни идора этиш — ҳозирча ўйлаб топилган усуллар ичида энг ижобийси.

Демократиянинг идеалдаги шаклини мутлақо инкор этмаган ҳолда, биз яшаб турган замонда мавжуд демократия турларини иккига ажратиш мумкин: **биринчиси** — халқи тўқроқ мамлакатлардаги қўли устунроқ табақаларнинг ўзаро эркин мусоҳаба ва мусобақаси, яъники — Ғарб демократияси; **иккинчиси** эса — халқи оч мамлакатлардаги кўзи оч ўғлонларнинг ўзаро мансаб ва имтиёз талашуви.

Ҳар икки ҳолда ҳам, халқ манфаатлари ҳусусидаги юксак ғоялар баралла жаранглаши табиий, аммо бу — иккинчи ва ҳатто учинчи даражали масала.

Биринчи турдаги демократия шароитида сиёсий ўзгаришлар анча силлиқ ва осойиш кечади — ҳар ҳолда, қорни тўқ халқ ўз боёнларининг талашиб-тортишишларини кўтариши ва кечириши мумкин. Аммо иккинчи турдаги демократияга келсак, либерал сиёсий ислоҳотлар учун шароит етилмаган жойдаги курашлар муқаррар тарзда ё авторитар тузумга, ё ҳокимиятнинг тўлиқ парчаланишига олиб боради. Ҳар иккала вазият ҳам бирдай фуқаролар низосини келтириб чиқариши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Истанбул. Ўзбек қавмияти катталари, кичиклари ва энг кичиклари.

**Гарчи халқаро журналистика, сиёсий публицистика тушунчалари бизга яхши маълум бўлса-да, бу жанрлар матбуотимизда етарли такомилини топмаган. Сабаблари аён.**

**Бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган очерк ана шу турга мансуб. Унинг муаллифи — ёзувчи, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати.**

**Адибимизнинг сиёсий публицистикага мурожаат этгани бежиз эмас. Бу, аввало, мамлакатимизнинг мустақиллиги, ялпи сиёсий уйғониш билан изоҳланса, қолаверса, Мурод Муҳаммад Дўст республикадаги сиёсий муҳитнинг марказида турган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директоридир.**

## САМАРҚАНД: 1992 йил, 30 июль

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ БИРИНЧИ ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛДИ.

**Эрталабдан чор атрофга Регистон майдонидан карнай-сурнай садолари тарала бошлади. Шаҳар аҳли ва меҳмонлари шу тариқа мустақил Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқли заёмининг биринчи тираж ўйинлари бошланганидан огоҳ бўлдилар. Ҳали совет миллари эрталаб 7 ни ҳам кўрсатмай Регистон одамлар билан гавжум эди. Бу ерга нафақат самарқандликлар, балки республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган кўплаб меҳмонлар ҳам ташриф буюришган.**

— Бугунги тантана республикамиз ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражига одамлардаги қизиқишни кўрсатиб қолмай, балки мустақиллик туфайли ўзбекистонликлар дилида пайдо бўлган фахр ва ғурур туйғуларини ҳам намойиш этмоқда дейди, — тираж комиссиясининг Раиси Самарқанд ҳокими А. Носиров — ушбу айёмга бағишланган тантаналарни оча туриб.

Қадимий Регистонда янграган алёрлар, ўз санъатлари билан республикада ва ундан ташқарида ҳам шуҳрат қозонган хушовоз хонандалар ва раққосаларнинг чиқишлари, Фарғонаю Қашқадарёдан келган қизиқчиларнинг ичакузди аскиялари унинг бағрини янада тўлдириб юборди.

Соат 9.00. Ўзбекистон Республикаси 12 фоизли ички ютуқлар заёми биринчи тиражини ўтказиш комиссияси аъзолари Тиллақори мадрасасининг қадимий гумбазларидан бирининг тагида ўз ишини бошлади. Комиссия таркибига республика молия вазири Э. Боқибоев, давлат банки раҳбарлари, шунингдек Самарқанд жамоатчилиги вакиллари келишган. Тиражни бошлаш учун ҳамма нарса тайёр бўлгач, комиссия раисининг таклифига биноан шаҳардаги Ф-болалар уйининг тарбияланувчиларидан саккиз нафари махсус қутилардаги ютуқли сонлар ёзилган қоғозларни ола бошладилар. Биринчи ўйиндаёқ 100 минг сўмлик ютуқ чиқди. Унинг қайси сонли заёмга чиққанлиги аниқ бўлгач бошқа ютуқлар ҳам бирин-кетин қўйила бошлади. Самарқандлик меҳнат фахрийси Баҳром ака Ҳамроқулов 6 та 500 сўмлик заём олган экан. Унинг 004 сонли ва 23250 серияли заёмига 5 минг сўм ютуқ чиқди. Умуман 12 фоизли заёмнинг бу тиражи ютуқлар сонининг кўплиги билан ажралиб турибди.

Ушбу мақола газетага бериладиган пайтда Самарқандда ҳали тираж ўйинлари давом этмоқда эди.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Муборак кунларимиз*

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ИФТИХОРЛИ ТАНТАНАЛАРИ

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва халқ ижодиёти бошқармасининг бошлиғи Рустам ХЎЖАЕВ билан қилган суҳбатида шу ҳусусда гап боради.**

**— Рустам Ҳакимович, бошқармангиз жамоасининг байрам тантаналарини ўтказиш борасидаги режалари қандай?**

— Мустақил республикамиз бўйлаб ўтказиладиган биринчи байрам шодиёналари ўз кўлам эътибори билан бутунлай ўзгача руҳ касб этиши турган гап. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маданият ишлари Бош бошқармалари қошида байрамни тайёрлаш ва нишонлаш Кенгашлари ташкил этилган.

Байрам тантаналарининг асосий қисми 31 август ва 1 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида ва вилоят марказий шаҳарларида ўтказилади. Шу кунлари республиканинг барча театрларида ватанпарварлик руҳидаги, олис-яқин ўтмишимиз мужассамлашган энг яхши спектакларни намойиш этиш режалаштирилган.

Республикамиз миқёсида Мустақиллик байрами айёмида 33 давлат театрлари, 7 филармониядаги 30 дан ортиқ бадиий жамоалар, ўзбек давлат эстрада бирлашмасига қарашли барча концерт жамоалари ва «Баҳор» давлат халқ дастаси ҳамда жумҳуриятдаги ўн икки мингдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик, шу жумладан 250 дан кўпроқ халқ жамоаси фахрий унвонга эга бўлган дасталар ўз санъатларини намойиш этишади.

**— Байрамда олис қишлоқ-овулларда яшаётган меҳнаткашларга қандай хизмат қилинади?**

— Вилоятларда район марказларидан узоқда бўлган чорвадорларга, қурувчиларга, кончи ва ўрмончиларга байрам кунлари 400 дан ортиқ автоклублар хизмат қилади.

Мустақиллик кунига бағишланган тантаналар жумҳуриятимизнинг 4,5 мингдан ортиқ клуб муассасаларида ва 120 маданият ва истироҳат боғларида ҳам бўлиб ўтади. Бу тадбирларда ўз чиқишлари билан халқимиз эътиборини қозониб келаётган энг яхши бадиий ҳаваскорлик жамоалари, бахшишоирлар, бадиий сўз усталарининг ҳамда «Марҳабо талантлар», «Халқ сўзи» рўзномаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Бодом гули» ҳамда «Асрларга тенгдош наволар», марҳум бастакорлар ижодига бағишланган кўрик-танловларининг ғолиблари ҳам қатнашдилар.

Масалан июль ойида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган «Мустақил диёрда келинг, яйраб кулишайлик» деб номланган қизиқчи, аскиячи ва масхарабозларнинг Республика кўрик-танлови ҳам шу байрамга бағишланди.

Қардошлик анъаналарини янада мустаҳкамлаш мақсадида Мустақиллик байрами тантаналарида Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлар вакиллари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашишлари ҳам кўзда тутилган. Масалан: Қашқадарё вилоятида ўтказиладиган тадбирларга Туркманистон республикасининг Чоржўй вилояти, Хоразмда қўшни Тошҳовуз, Андижонда, Ўш, Тошкентда, Чимкент, Фарғоанда Хўжанд меҳнаткашлари, ёзувчию санъаткорлар, ижодий ёшлар вакиллари ва кўплаб меҳмонлар ташриф буюришади.

Вилоятлар, шаҳар ва районларда «Ўзбекистон — Ватаним маним» номи билан байрамга бағишлаб халқ сайиллари ташкил қилинади. Қўқон шаҳрида Зокиржон Фурқат ҳайкалини очилиш тантаналари бўлиб ўтади...

**Суҳбатдош:**
**Тоҳир ДОЛИ ўғли.**

## Ўзбекистон Республикасининг қонуни

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 88-модда) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №8, 191-модда), 1991 йил 20 ноябрдаги ва 1992 йил 14 январдаги қонунлари билан киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-моддада:

биринчи банднинг «с» бандчасидаги «1000 сўмгача» деган сўзлар «солиқ солинмайдиган минимумнинг уч бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ана шу банднинг «р» бандчасидаги 200 сўмгача» деган сўзлар «солиқ солинмайдиган минимумнинг бир ярим бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-моддада:

биринчи банднинг «а» бандчаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган солиқ солинмайдиган минимумдан ошиб кетмайдиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул мукофоти оладиган ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар»;

шу банднинг «б» ва «в» бандчаларидаги «4200 сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган солиқ солинмайдиган минимумдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

шу банднинг «е» бандчасидан сўнг модда қуйидаги мазмундаги 2-банд билан тўлдирилсин:

«2. Қуйидагилар солиқ солинмайдиган минимумнинг саккиз баравари миқдорида оладиган барча даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинадилар:»

биринчи банднинг «ж» — «т» бандчалари иккинчи чалари деб ҳисоблансин;

банднинг «а» — «м» банд- 2, 3, 4, 5, 6-бандлар тегишинча 3, 4, 5, 6, 7-бандлар деб ҳисоблансин.

3. 8-моддада:

биринчи банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Фуқаролар иш ҳақи, мукофотлари ва бошқа даромадлари суммасидан (муаллифларнинг меросхўрларига такрор бериладиган мукофотлар бундан мустаснодир) қуйидаги миқдорда солиқ ундирилади:

| Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегириб ташланган) | Солиқ суммаси |
|---|---|
| 36000 сўмгача | 12 фоиз |
| 36001 сўмдан 48000 сўмгача | 4320 сўм + 36000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи |
| 48001 сўмдан 60000 сўмгача | 6120 сўм + 48000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи |
| 60001 сўмдан 72000 сўмгача | 8520 сўм + 60000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи |
| 72001 сўмдан 96000 сўмгача | 12120 сўм + 72000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи |
| 96001 сўмдан 192000 сўмгача | 21720 сўм + 96000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи |
| 192001 сўм ва ундан ҳам ортиқ пулдан | 69720 сўм + 192000 сўмдан ортиқ пулнинг 60 фоизи |

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига ўта зарарли ишлаб чиқаришда ишлайдиган алоҳида тоифадаги фуқаролар учун фавқулодда ҳолларда солиқ солишнинг имтиёзли ставкаларини белгилаш ҳуқуқи берилсин».

4. 12-модда. қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12-модда. Фуқароларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммасидан солиқни ҳисобдан чиқариш ва тўлаш тартиби**

Солиқ календарь йил бошидан эътиборан ҳар ой тугаганидан кейин илгари ушлаб қолинган солиқ суммасини ҳам ҳисобга олган ҳолда солиқ солинадиган даромадлар йиғиндиси суммаларидан ҳисоблаб чиқилади.

Йил тугаганидан кейин фуқароларнинг календарь йилдаги бутун даромадини (тўлиқ сўмларда) ташкил қиладиган суммаларга асосланган ҳолда солиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Йил давомида иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда солиқ янги иш (хизмат, ўқиш) жойида аввалги ва янги иш жойида олинган йиллик даромад йиғиндисига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Аввалги иш жойида олинган даромадлар маълумотнома билан тасдиқланади».

П. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига «Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 86-модда) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январдаги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №8, 191-модда) ва 1992 йил 14 январдаги қонунлари билан киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-моддада учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик ҳисобида турмайдиган, лекин хўжалик (тижорат) фаолиятидан даромад оладиган (бюджетдаги илмий-текшириш ташкилотларидан ташқари) ташкилотлар»;

2. 4-моддада:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ суммалари».

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклардан вақтинча фойдаланишга олинган кредит ресурслари учун тўловлар, операция сарф-харажатлари, пул маблағлари ва қимматбаҳо ашёларни ташиш ва сақлаш сарф-ҳаражатлари;

ҳисоб-китоб ва жорий счетлар бўйича, депозит счетлар, аҳоли жамғармалари, Давлат суғуртаси счетлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган фоизлар;»

3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат суғуртаси депозитлар бўйича фоизлардан олган пул суммаси».

Шу модда қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ажнабий юридик шахсларнинг, Ўзбекистон ва ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг даромадлари бўйича солиқ солинадиган базаси шундай корхоналарнинг резерв фонди ёки шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган фондларга ажратмалари суммаси бу фондларнинг миқдори устав фондининг 25 фоизига етгунга қадар корхоналар даромадларининг 20 фоизи миқдорида камайтирилади».

3. 9-моддада:

«а» бандидан «асосий» деган сўз чиқариб ташлансин:

«е» банди «Орол» сўзидан кейин «Наврўз, Тадбиркорларга ёрдам» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Модда қуйидаги мазмундаги «н» ва «о» бандлари билан тўлдирилсин:

«н) ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларининг корхоналари;

«о Қизил Ярим ой Жамияти таъсис этган корхона ва ташкилотлар, бу маблағлардан Жамиятнинг уставда белгилаб қўйилган вазифаларини бажаришда тўлиқ фойдаланиш шарти билан».

4. 10-моддада:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги ташкил этилган корхоналар (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминловчи-сотувчи, воситачи ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) ташкил топган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ва иккинчи йили 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар.»

5. 11-моддада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1) корхона икки йил давомида:

а) патент эгаси ўз ишлаб чиқаришида ихтиролардан фойдаланишдан ва унга лицензия сотишдан оладиган даромадларига ва валюта тушумларига ихтиродан фойдалана бошлаган ёки лицензия сотилган санадан бошлаб патент амал қиладиган муддат атрофида;

б) лицензия сотиб олиш натижасида ихтиродан фойдаланишдан оладиган даромадларига ва валюта тушумларига ихтиродан фойдалана бошланган санадан бошлаб;

в) ёки патентланган ихтирони қўллаб янги техника тайёрлаш учун махсус барпо этиладиган ишлаб чиқаришдан оладиган даромадларига ва валюта тушумларига корхона ёки янги ишлаб чиқариш ишга туширилган санадан бошлаб»;

2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агар қўшма корхона икки йил давомида ўз устав фондини таркиб топтирмаса ёки солиқ тўлашдан озод этилган қўшма корхона уч йиллик муддат ўтмай туриб тугатилган тақдирда солиқ суммаси умумий белгиланган тартибда, унинг бутун фаолият даври учун тўла миқдорда ундирилади».

6. 12-модда қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«умумий фойдаланишдаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ва қуриш учун ажратмалар;

Қизил Ярим Ой Жамиятига бадаллар ва бошқа хайрэҳсонлар:»

7. 19-моддада:

26-банд «пойабзал тикиш, таъмирлаш» деган сўзлардан кейин «трикотаж буюмлари, мураккаб рўзғор техникаси, соат, мебель тузатиш ёки таъмирлаш, ижарага бериш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28-банд «протез — ортопедия буюмлари» сўзларидан сўнг ва ногиронлар учун ашёлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Модда қуйидаги мазмундаги янги бандлар билан тўлдирилсин:

«29) нашриётлар, рўзномалар ва ойномаларнинг муҳарририятлари, матбаа ва китоб савдоси корхоналари, Давлат телерадиоэшиттириш компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги чиқарадиган маҳсулотлар ва кўрсатадиган хизматлар;

30) Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой Жамиятининг корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва кўрсатадиган хизматлар, башарти бўшатиб олинадиган маблағлар Жамиятнинг уставда белгилаб қўйилган вазифаларини бажаришда ишлатилган тақдирда».

8. 23-модда «ўзи ишлаб чиқарган моллар» деган сўзлардан кейин «ва Қизил Ярим Ой Жамиятининг корхоналари билан ташкилотлари ишлаб чиқараётган моллар, башарти бу маблағлар Жамиятнинг уставда белгилаб қўйилган вазифаларини бажаришда ишлатилган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 25-модда «тўлайдилар» деган сўздан сўнг «Қизил Ярим Ой Жамияти ва у таъсис этган корхоналар ва ташкилотлар бундан мустасно, башарти бўшатиб олинадиган маблағлар Жамиятнинг уставда белгилаб қўйилган вазифаларини бажаришда ишлатилган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 35-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«Мулкчиликнинг барча шаклидаги юридик шахслар, шунингдек корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг юридик шахс бўлмасада, ўз мустақил балансига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари корхона молмулки учун солиқ тўловчилар ҳисобланади».

11. 36-моддада:

биринчи қисм қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«фойдаланилган даромад (фойда);»

Модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Банклар, суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек халқ хўжалигининг баъзи тармоқларига солиқ солиш хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди».

12. 38-мoддaнинг «г» банди «бирлашма ва ташкилотлар» деган сўзлардан сўнг «Қизил Ярим Ой жамияти ва у таъсис этган ташкилот ва корхоналар, башарти бўшатиб олинадиган маблағлар Жамиятнинг уставда белгилаб қўйилган вазифаларини бажаришда ишлатилган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

# ТУРКИЯДАН — ТУРКИЯГАЧА

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Бизнинг шароитимизда сиёсий кураш тажрибаси кам. Бори ҳам от устида ўтирган катта бошлиқ устидан ҳозирча узанги ушлаб турган кичикроқ бошлиқнинг Масковга қилган хабаркашлигидан иборат бўлган, холос. Росмана тажриба тугул, оддийгина сиёсий баҳс маданияти ҳам етишмайди. Сиёсатдонларимизда сиполик мутлақо йўқ, улар азбаройи жунбушга келган пайтларида қўлларида маъзава тўла тоғора тутган жангари аёлларни эслатади. Сиёсий баҳс маданияти етишмайдиган жойда, табиийки, ўзаро тазйиқлар хунук тус олади.

Аслига уйқашроқ демократия биз тугул, анча илдамлаб кетган Масковда ҳам йўқ. Сиёсий курашларимиз эса, аразлаган боланинг «ситамкор»ини бўралаб сўкиб қочишини эслатади.

Ғарб демократлари Масковнинг тетапоя бўлиб келаётган ва ҳатто кейинги пайтларда ўтказилаётган хусусийлаштириш боис ўзларини анча тутиб олган «буржуа» демократларини ўз паноҳига олгани, Масков эса ўз навбатида биздаги жўнроқ демократларни ҳимоя этаётгани сир эмас. «Оға» демократлар эски Шўролар тузумини тўлиқ инкор этганлари ҳолда, унинг энг хос белгиси — буюк давлатчилик кайфиятини мерос қилиб олганлари, бугунги кунда мустақил ва айрича яшаётган собиқ жумҳуриятларга қандай яшаш кераклигини беиболик билан ўргатаётганлари кишини ҳайратга солади. Шу сабабки, Ўзбекистон шаънига айтилувчи «коммунизм бастиони», «турғунлик салтанати» каби учирма гапларнинг сонсаноғи йўқ.

Аммо, агар тузукроқ эътибор берсангиз, кейинги кезларда айрим собиқ иттифоқдош жумҳуриятларда, хусусан, Тожикистонда бўлиб ўтган қонли тўқнашувлардан сўнг эски нуқтаи назар сал ўзгаргандай туюлади. Ҳар ҳолда, улар ислом фирқаси билан бирлашганларидан кейин «маҳаллий демократлар» деган ибора деярли йўқолиб, ўрнига «оппозиция», яъники «мухолифият» деган ибора пайдо бўлдики, бундан Масковда, бинобарин, Ғарб сиёсий давраларида андак саросима вужудга келганини пайқаса бўлади.

Россия матбуоти негадир Ўрта Осиёдаги «коммунистик режимлар»га нафратини унутиб, гарчи дудмалроқ эрсада, «балки тартибни қаттиқроқ тутиб туриш унчалик ҳам ёмон эмасдир», дегандай гапларни ҳам ёзди. Собиқ мустамлакалари майдонида низолар чиққанида бемалол томоша қилиб ва ҳатто чапак чалиб турган Масков режими энди, ўз бошига иш тушганда, хусусан, Останкино остонасидаги жанжалда, демократия ҳақидаги баланд-парвоз гапларни дарҳол унутиб, росмана куч ишлатди.

Демократ Назарбоев миллий низога айланиши мумкин бўлган бир-икки баҳсдан кейин куч ишлатишга мойил эканини ошкор этди. Ва ниҳоят, яқиндагина кўчада намойиш ва митинг қилишни тақиқлаб қўйди.

Бундай мисоллар кўп. Аммо ном чиқарган демократ сиёсатчилар ибрат олган бир мисол борки, бу — Лос-Анжелес ва Чикаго шаҳарларидаги ирқий тўполон, унинг жуда тез ва катта куч ишлатиб тийилгани. Демократ Буш тумонат миршаблар қўлига калтак бергандa негадир «Америкада инсон ҳуқуқлари поймол этилянти!» деб ҳайқирган бирор кимса чиқмади. Аксинча, АҚШ Президенти ўз давлатини Конституцияга биноан ҳимоя қилгани баралла эътироф этилди.

Хуллас, мухолифи мушт кўтариб турганда табассум этадиган салтанат ҳали дунё юзини кўрган эмас. Президент Набиев озгина илжайган эди, оқибати нима бўлганини ҳамма билиб турибди. Маърифатли ва муросали рақобат — бутунлай бошқа нарса. Демократия дегани ҳам аслида шу.

Чикаго кўчаларидан яна Ўзбекистонга қайтадиган бўлсак, мухолифлари қанчалик дод-вой қилишмасин, кейинги бир йилда ўзбек тупроғида айтарли қон тўкилмаганини назарда тутсак, «демократия душмани», «диктатор» ва бошқа шунга ўхшаш оҳанги қаттиқроқ, «ташбеҳ»лардан ўзгасига муносиб кўрилмаган Ислом Карим тутган йўл амалий ва хийла ижобий эмасми, деган фикр туғилиши табиий.

Қолаверса, жумҳурият ичидаги вазият кейинги ойларда анча жиддий тус олди. Четдан валюта ва ярог киритишга уринишлар бўлди. Боз устига, илгари текроқ турган мухолифият кучлари ўзаро бирлашдилар. Айрим йиғинларда мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлашга даъват этувчи нутқлар, «керак бўлса, фалон нафар кишини қуроллантирамиз!» деган шўписалар бўлгани ҳам аён.

Бизнинг мухолифият кучлари жуда олақуроқ. Ораларида эл-улусни ўйлайдиган, иқтисодий ислоҳотларни тезлаштириш ва сиёсатни либераллаштириш ниятида юрган оқил ва инсофли кишилар кўп. Айни замонда, мамлакат ташидаги манбаалардан маблағ ва далда олиб, миллати ва элатини сариқ чақага сотиб юбораётган қўғирчоқбоз сиёсатдонлар ҳам йўқ эмас.

Боз бир тоифа борки, булар — собиқ мансаб эгалари. Уларнинг ниятлари ҳам табиий — яна сиёсат майдонига қайтмоқ истайдилар. Эски нуфуз аччиғида юрган кишиларнинг мухолифият сафларини тўлдиришини икки хил баҳоласа бўлади. Бир тарафдан, улар ўз ғоялари ва тажрибалари билан ҳокимият учун курашда асқотиши мумкин, иккинчи тарафдан эса, ўзларининг кўҳна гуноҳлари касридан, ҳали гард юқтиришга улгурмаган айрим покдомон мухолифчиларнинг обрўсига путур етказиши ҳам мумкин.

Сиёсийлашган диний гуруҳларнинг очиқ мухолифликка ўтиши қийин. Етмиш йиллик аччиқ тажриба боис, ғалаба муқаррар эканига кўзлари етмаса, четроқда томошабин бўлиб тураверадилар. Кейинги икки йилда теккан эркинлик уларга ҳар икки рақиб тарафни ҳам хутбага қўшмай туриш имконини беради.

Яна бир куч борки, бу — мафия. Уларнинг фаоллиги одатий даражада, яъники иқтисодий муносабатлар ва савдо доираларидан четга чиқаётгани йўқ. Мафия вакиллари — анойилар эмас, улар бўлиши эҳтимол сиёсий ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб борадилар ва ғолибликдан умидвор сиёсий арбоблларга олдиндан тузоқ қўйишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳам — ўта табиий ҳол. Очиқ иқрор бўлиш керакки, бугунги юқори тузилмаларда мафиянинг ўз вакиллари йўқ, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Биз-ку — биз, тарихий илдизлари узун Ғарб демократик тузумларида ҳам мафиянинг гуллаб — яшнаётгани маълум.

Кейинги воқеалар мухолифият кучларига хийла илҳом берди. Улар «Озарбойжон ва Тожикистонда демократия ғалаба қилди, эндиги навбат — Ўзбекистонга!» деган шиорни баланд кўтаришди. «Бирлик» вакили Ёдгор Обид Душанбе ва Боқуга бориб оташин нутқлар сўзлади, Тошкентда эса ёпиқ анжуман ўтказилиб, «миллий муроса ҳукумати» тузилиб, зироатчи олим Мирзавали Муҳаммаджонов президент этиб «тайинланди», Албатта, омадсизроқ шоир билан саксонни қоралаб қолган ғўзашунос академикни жиддий сиёсий фигуралар деб ўйлаш кулгили. Аммо улар ортидаги реал кучларни ва умуман тенденцияни инобатга олмаслик мумкин эмас.

Озарбайжон ва Тожикистонда чиндан ҳам демократия ғалаба қилдими? Мавжуд ҳокимият мухолифлари бу саволга «ҳа!» деб жавоб беришлари шубҳасиз. Яқиндагина битта «бирлик»чи хотин «Душанбеда одам ўлса ўлибди-да, кураш қонсиз бўладими?!» деган баёнот билан чиққани бежиз эмас. Аммо ўша эти ўлган опамиз ўз «ҳақиқати»га халқни ҳам ишонтира оладими? Бу хусусда шубҳа ва иштибоҳлар талайгина. Ҳар ҳолда, Тожикистондаги фуқаро урушини кўра-била туриб, халқнинг оппозиция кучлари ортидан эргашмоғига кўз етмайди.

Ва умуман, қурашчи бирадарларимиз Ўзбекистондаги аҳволни Тожикистонга менгзаб хато қилмаяптиларми? Бир қарашда, барча белгилар, шарт-шароит ўхшаш бўлиб туюлади. Аммо бу ўхшашлик жуда юзаки. Икки қўшни давлатнинг иқтисодий қуввати орасида осмон билан ерча фарқ бор. Ўзбекистонда давлат аппарати анча мустаҳкам. Ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам, гарчи улар эски тузумнинг жуда кўп қусурларини мерос қилиб олган эрсалар-да, сезиларли даражада кучли ва пухта. Аҳолининг харид этиш қуввати ҳам икки хил. Очарчилик ҳақидаги мишмишлар билан одамларни қўзғатиш истагига келсак, бу ёқда Туркиядан икки миллион тонна буғдой нақд униб турибди. Яна бир фарқ шуки, Ўзбекистонда мухолифият ғалабаси учун асосий шарт — Раҳмон Набиев етишмайди. Салтанат тепасида турган Ислом Каримнинг феъли маълум — пачакилашиб ўтирмайди. Қолаверса, Президент ўзи айтган учтўрт ислоҳотни бошлаб улгурди — унинг кейинги тақдири оппозициянинг иродасига эмас, балки бошланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг қай даражада юришиб кетишига боғлиқ.

**Сулаймон Дамирал билан учрашув. Етти марта ҳукумат тузиш ҳар қандай сиёсатчининг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабаб, Дамирал хусусида гап кетганда, турк бирадарларимиз «у кишининг касби — Бош вазирлик» дея мутойиба қиладилар.**

Келгуси сайловга яна тўрт ярим йил бор. Бугун Ислом Карим қишлоқ тараққиётини устивор йўналиш, деб эълон қилди. Сабабки, сайловчиларнинг ярмидан кўпи ва энг ночор қисми қишлоқда яшайди. Вазиятнинг барқарорлиги ҳам асосан қишлоқ аҳли кайфиятига боғлиқ, Президент деҳқонларга берган ваъдаларини бажарса, аграр соҳа билан саноат ўртасида нисбий бўлса-да, мувозанат пайдо этилса давлатнинг ўз молиявий ва банкачилик системини яратишга эришилса — марра уники.

«Ғолиблар суд қилинмайди», деган машҳур ибора бор. Агар Президент ўзининг янги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий дастурини тезроқ пишитиб, халққа тезроқ ошкор этиб, фуқарони танланган йўл тўғри эканига росмана инонтириб, режаларни бажаришга иложи бори қадар тўлиқ сафарбар этолса, бугунги ихтилофлар унут бўлиб кетади. Ўшанда мухолифлари эринмай санаётган «айб»лари ҳам фазилат деб талқин этилса ажабмас.

Ҳозирча Ислом Карим тутган сиёсий-иқтисодий йўлнинг тадрижи қуйидагича:

— собиқ СССРда Горбачёвдан кейин иккинчи президент бўлди, биринчи президентнинг қаҳрига учради, бунга парво қилмади ва тамомила ҳақ бўлиб чиқди, яъники собиқ империянинг парчаланиб кетишига яхшигина ҳисса қўшди;

— росмана салтанат тепасига келганидан кейин, унинг тақдирини таваккалга топширмай, дарҳол ҳуқуқ — тартибот органларида миллий раҳбарликни ўрнатди;

— «ўзбеклар иши» деган сиёсий ғғвога вақтида барҳам берди ва бегуноҳ қамалган минглаб оддий фуқаронинг дуосини олди;

— вилоятлар ва районларда ҳокимлик институтини жорий этди ва бу институт билан маҳаллий кенгашлар ўртасида жиддий ихтилоф чиқармасликка эришди;

— ҳукмрон партия билан орани бузмай туриб, унинг аввалги кучини кескин сусайтирди;

— ташқи иқтисодий алоқалар ривожи учун шарт-шароит яратди. Чет эл инвестициялари ва янгича бож хусусидаги Фармон яқин орада натижа бериши кутилмоқда;

— ўз соҳаларида якка ҳокимлик этиб келган вазирликларни тугатиб, уларни турли концерн, ҳиссадорлик жамияти ва ҳоказо шакллардаги тузилмаларга айлантирди ва айлантирмоқда.

Президент Ислом Карим ҳокимият тепасига келган пайтидаёқ қилган яна бир савобли иш борки, бу — деҳқонларга томорқа улашиш. Афсуски, биз, мухбир аҳли, томорқа баҳонасида Президент номига сон-саноқсиз мақтовлар битиб, кераксиз ялтоқилик қилиб, яхши тадбирнинг қадрини туширгиб юбордик. Аммо ортиқча маддоҳлигимиз мингминглаб томорқаларга тикилган зироатнинг гуркираб ўсишига заррача халал бергани йўқ.

Ер ислоҳоти яна давом этади. Бунинг учун, энг аввало, қишлоқ жойларда янгича инфраструктура оз бўлса-да шакл топиши ва мавжуд экин майдонларини иложи бори қадар кам ишчи кучи билан истифода этиш қудратига эга бўлишимиз зарур. Яъники келаётган ва келажак инвестициялар ҳисобига қишлоқларда қўшимча беҳисоб ишчи ўринлари ташкил этиб, ундан кейин ер ислоҳотининг иккинчи босқичига ўтиш мумкин.

Ҳозирча пахта асосий валюта манбаи бўлиб турибди. Янги технология жорий этилиб, пахтанинг ўзи эмас, ундан тикилган сифатли ва кўркам кийим — бошлар валюта манбаига айланса эди, ғўза эгаллаб турган мингминг гектарларни яна қисқартиш имкони туғиларди.

Яна бир савобли иш — Масковга муттасил қатнаб турган тилла карвонининг тийилиши. Мухолифият вакиллари: «Йўқ, тилланинг 60 фойизи ҳамон Россияга жўнатилмоқда», деган гапларни ҳар куни бўлмаса ҳам, кун оралатиб чет эл радиостансаларидан мунтазам тарқатиб туришибди. Рости, Россияга кетаётган тилла ҳақида бизда тузукроқ маълумот йўқ. Биз тугул, ер остида илон қимирласа биладиган чет эл разведкаларида ҳам маълумот бўлмаса керак.

Еримиздан йилига жуда кўп олтин қазиб олиниши — рост. Олмаликда чиқит қуйқалардан соф олтин ажратиб олиниши, янги цехни Ислом Карим бориб кўргани, умрида тилла билан мутлақо муомала қилмагани боис, кичкинагина, аммо зил-замбил олтин ёмбисини бармоқ учида кўтармоқчи бўлиб тушириб юборгани ва тажрибали кончилар олдида хижолат чекиб, андак қизаргани — рост. Раҳматли Ҳабиб Абдулло «ўрисларга айтмай, секрет қилиб кетган» айрим конларнинг заҳирада тургани — рост. Қиймати бир сўмдан юқори тилла топилдиқлар Масковга ташиб кетилгани боис, олтин сақлайдиган тузуқроқ темир сандиғимиз бўлмагани — рост. Борингки, тилланинг бир қисми Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетгани ҳам — рост. Лекин бу тилла Масковга эмас, балки Швейцария банкаларининг ғазналарига бориб тушди ва бугунги кунда Ўзбекистонга берилаётган замонавий ускуналар ва пул маблағлари учун кафолат вазифасини ўтаяпти.

Хуллас, бу дунё — ҳисобли дунё. Яна бир гапки, мушук ҳам қуруққа офтобга чиқмайди. Ажнабий сармоядорларнинг илтифоти боиси шуки, улар Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини яхши биладилар, муҳими, бу имкониятлар асосида иш юртишнинг келажак манзараларини аниқ тасаввур этадилар.

Амалга ошаётган ва энди режаси олинган тадбирлар сони кўп. Уларнинг нечоғлик тез ва яхши самара бериши вазият қандай келишига боғлиқ.

Президент шу сўзни кўп бора зикр этгани боис, мухолифият «тинчлик» сўзини эшитгандаёқ юз буриштирадиган бўлиб қолди. Аммо бундан масаланинг туб моҳияти заррача ўзгаргани йўқ — иқтисодий ислоҳотлар тақдири минтақа тинчлигига, аниқроғи, тинчлик-осойишталикни асосий гаров этган ҳолда бериладиган чет эл инвестицияларига боғлиқ. Кредит олиш тартиби ҳам шундай. Четдан бирор цент ёрдам сўрамай, Ўзбекистоннинг ўз кучи билан тангликдан чиқиш дастурини тузган жўмард ҳозирча йўқ экан, дастурнинг нақдига чидаш ҳам керак.

Ўзбекистон Республикасига берилган кредит маблағлар миқдори 6—7 миллиард долларга етиб қолди. Шу жойда ўрис рублини қайта тирилтириш учун ваъда этилган афсонавий 24 миллиард долларни эслаш зиён қилмайди. Гарчи Масков матбуоти иқтисодий ислоҳотлар зўр кетяпти, деб лоф урса ҳам, Қўшма Штатлар ҳали-ҳануз ўз ваъдаларига арзийдиган кафолат топганлари йўқ. Ўзбекистон эса, реал миллиардларни қўлга киритди. Энди вазифа — бу миллиардларни оқилона сарф этишда.

**(Давоми бор).**

• *Деҳқон хўжалигига ёрдам*

# «ФАНТОМ» ҚУРИТГИЧИ

**• Ўтган йили мен томорқада етиштирилган мева ҳосилини тўлиқ йиғиб олишга муваффақ бўла олмадим. Маҳсулотларнинг бир қисми ерга тўкилиб чириб кетди. Балки олимларимиз фермер хўжаликлари учун у қадар қиммат бўлмаган мева қуритгичларни кашф қилишгандир, амалиётчилар эса улардан фойдаланишмаяптимикин, деган умид билан газетангизга мурожаат қилаяпман. Ахир Президент Фармонлари шахсий хўжаликларни ривожлантиришга кенг йўл очмоқда-ку.**

**А. РАҲМОНҚУЛОВ,**
**фермер.**

Газетхонларимизга шуни хабар қилмоқчимизки, май ойининг охирларида Қўқон тайёрлов ташкилотлари Тошкентдаги «Фантом» фирмасидан ихчам қуритгичларнинг иккита тажриба намунасини олишди. Харидорлар яқин кунларда яна олтита ана шундай қуритгичларни олишлари мумкин. Кўринiб турибдики, «Фантом» хусусий фирмасининг келажаги порлоқ. Бўни фирма раиси Шуҳрат Нажмиддинов ҳам тасдиқлади.

**— Шуҳрат Анварович, Сиз ишлаб чиқаришни мутлақо бўш жойда бошладингизми ёки бунгача муайян тажрибага эга эдингизми?**

— Сўнгги вақтларгача биз анча кучли қуритгичлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келдик. Уларнинг ҳар бири бирйўла тонналаб мева ва сабзавотларга ишлов беришга мўлжалланганди. Нарх-навонинг тўхтовсиз кўтарилиб бориши туфайли бундай қуритгичлар нархи 350 минг сўмгача етди. Табиийки, маҳсулотимизнинг ўтмай қолиши хавфи туғилди. Биз бундай ҳолга илгари ҳам дуч келганмиз.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб корхонамизни бирмунча арзон ва ихчам қуритиш шкафлари ишлаб чиқаришга қайта мослаштирдик. Бизнинг агрегатларимизга 200 — 250 килограммгача хом ашё сиғади. Қуритиш жараёни беш соат давом этади. Қуритгичнинг нархи 50 — 55 минг сўм атрофида.

**— Кечирасиз, ахир бу нарх ҳам баъзи қишлоқ меҳнатчиси учун қимматлик қилиши мумкин...**

— Тўғри, битта оила учун бу нарх қимматлик қилиши мумкин. Аммо қуритгични бир нечта оила биргаликда харид қилишлари мумкин-ку. Бундай имкониятни назарда тутиш керак. Агар тарозининг бир палласига харажатлар, иккинчи палласига етиштирилган маҳсулотни ўз вақтида топшира олмаслик оқибатида кўриладиган зарар қўйилса, турган гапки, оғирлик бизнинг қуритгичларимиз фойдасига ҳал бўлади. Қолаверса, улар жуда ихчам, ишончли ва ишлатишга қулай.

**— «Фантом» қанча агрегат ишлаб чиқаради!**

— Кенг кўламда ишлаб чиқаришга ўтишимиз биланоқ улар ҳар ойда 30 тага етади. Агар ҳар йили юзлаб тонна маҳсулотнинг исроф бўлиши ҳисобга олинса, икки юз килограмм атрофида хом ашё кетадиган бундай 30 та қуритгич дарёдан томчи, холос. Ҳар куни шунчадан ишлаб чиқарилганда ҳам барибир камлик қилади.

**— Тижорат жиҳатидан олганда, ушбу қуритгичларни сотишнинг «Фантом» учун фойдаси борми! Ахир, Сизлар уларни ижарага беришларингиз ва бунинг учун фойданинг бир қисмини ёки қуритилган сабзавот ва мевалар олишларингиз мумкин-ку!**

— Биз бу тўғрида аллақачон ўйлаб қўйганмиз ва шундай қиламиз ҳам. Бироқ ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фирмага маблағ керак. Шу сабабли агрегатларни сотяяпмиз. Металл ва бошқа буюмларни олишнинг қийинлигини назарда тутиб биз бу борада ҳар қандай маҳсулот тайёрловчилар ва ташкилотлар билан шартнома тузишга тайёрмиз. Биз уларга ўз маҳсулотимизни арзонроқ нарх билан сотишимиз мумкин.

**— Шуҳрат Анварович, одамлар, шу жумладан, Сиз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган газетхонимиз А. Раҳмонқулов Тошкентда сиз билан қаерда учрашишлари мумкин!**

— Бу жуда осон. Биз Максим Горький кўчасидаги 32-а—уйда жойлашганмиз. Телефонимиз номери — 68-59-57.

**Суҳбатдош:**
**В. РУДАКОВА.**



**Тошкентда ёш коннотшунозларнинг республика кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Бу ёшларнинг изланишларидан кишининг кўнглида шундай умид уйғонади — Ўзбекистон коннотшунослари яқин йилларда самони забт этса ажаб эмас!.. Ҳозирча шундай яхши ният қилиб турайлик. Мана бу ёшларимизга эса сабот, матонат тилайлик. Зеро, улар бўлғуси коннотшунослардир.**

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

## ЯНГИЛИКЛАР

### ЕНИЛҒИ ДАРКОР ЭМАС

«ҒАЛЛАОРОЛ» давлат хўжалиги Фарғонадан ҳар бири саккиз ўринли иккита от арава сотиб олди. Фойтун йўлларнинг паст-баланд лиги писанд қилмаяпти. Хўжаликда ёқилғи йўқ пайти бу уловлар йўловчилар манзилларига етиб олишларида жуда қўл келмоқда.

**А. МАМАРАСУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### НУКУСДА ҚУРИЛИШ ЛИЦЕИ

ЎЗБЕКИСТОН халқ таълими вазирлигининг буйруғига кўра Нукусдаги М. Жуманазаров номли 6-ўрта ҳунар-техника билим юрти қурилиш лицейига айлантирилди. Бу йил илм масканига 2 мутахассислик бўйича 80 ўқувчи қабул қилинади. 4 йиллик таҳсил давомида ўқувчилар қурувчилик ихтисосларидан ташқари тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар.

**Мансур АҲМЕДОВ.**

### КОММУНИСТЛАР ЯНА ОЛДИНГИ САФДА

КПСС парчалангандан қейин унинг айрим «лидерлари» ўзларини тижорат ишларига урмоқдалар. Собиқ Навоий шаҳар партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби Александр Горностаев «Қизилқумрудметзолото» концерни раисининг ўринбосари, шу собиқ горкомнинг собиқ иккинчи котиби Ҳикматулло Рустамов Навоий мол биржасининг бош директори, мафкура ишлари бўйича собиқ котиби Ольга Сашина шаҳар ногиронлар жамияти раисига муовин бўлиб ишга жойлашдилар.

**М. МАРДИЕВ.**

• *Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига*

# ХАЛҚ БАХТИ УЧУН КУРАШГАН

**ҲАЁТДА ШУНДАЙ ДАМЛАР БЎЛАДИКИ, УЛАРНИ ЭСЛАГАНДА КИШИ ҚАЛБИ РОҲАТБАХШ НУРГА ТЎЛАДИ...**

Гоҳи маҳзун, гоҳи аламли ва гоҳида қувончли кечинмаларни ўз ичига олган бу бебаҳо дақиқалар умрнинг паст-баланд поғонасидан сабот ва чидам билан шаҳдам олға интилишда катта куч ва қувват бағишлайди, эзгуликка, курашга чорлайди.

Мен Ш. Рашидов билан, фан номзоди илмий унвонига эга бўлиб, хўжалик шартномаси асосида тузилган ва унча катта бўлмаган лаборатория мудири лавозимизда ишлаб юрган вақтимда илк бор танишган эдим. Ўшанда биз ғўзанинг янги навларини яратишнинг тезкор усул ва услубларини топиш устида илмий иш олиб бораётган, унга бутун борлиғимизни бағишлаётган эдик. Яратилажак навлар экилаётганларига қараганда ўзгача бир ҳислатга эга бўлишини, улар қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати тараққиёти талабларига мос, умуман Ўзбекистон халқи ҳаётининг гуллаб-яшнаши учун муҳим бир омил бўлишини хоҳлардик.

1977 йил 6 ноябрь куни Ш. Рашидов бошчилигида ҳукумат аъзолари тажриба базамизга келишди. Уларга янги навлар ўсимликларидан тайёрланган макетларни кўрсатишга тўғри келди, чунки даладаги ҳосилни бу вақтда йиғиб-териб олган эдик. Тажриба базасида ўтказилган мажлисда мен ҳам сўзга чиқдим. Нутқимда ҳукумат ҳаддан ташқари банд бўлгани сабабли фанга деярли вақт ажратмаяпти, деган фикрни очиқчасига айтдим. Ҳамкасбларимизнинг жиддийлашган чеҳраларига қараб, ҳаддан ташқари кескин гапираётганимни пайқаб қолдим. Лекин сўзимни тўхтатмадим. Ш. Рашидов йиғилишни якунлар эканлар, шундай дедилар: «Бутун йил мобайнида — баҳордан то кеч кузгача пахта далаларини кезаман, пахтакорлар билан суюбатлашаман, уларнинг талаб-эҳтиёжлари, ғам-ташвишларини биламан. Қўлимдан келганича ёрдам бераяпман. Афсуски сизларга олдинроқ келишнинг иложи бўлмади. Октябрь ойида КПСС Марказий Комитети пленумига ва Олий Кенгаш сессиясга тайёргарлик кўриш бутун вақтимизни олди. Биламан, институтингизда яхши ишлар қилинмоқда. Ҳозир деҳқонлар сизлардан ғўзанинг тезпишар, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, машинабоп навларини кутишмоқда».

1978—1980 йилларда давлат нав синаш участкасида яхши баҳо олган АН — Самарқанд-2 нави Самарқанд вилоятида районлаштирилди. 1981 йилда яна уч навимиз — Самарқанд-3, Оқолтин ва «Фарҳод» ҳаётга йўлланма олди. Толасининг сифати юқорилиги туфайли IV—V тип хом ашё берадиган бу навлар катта майдонларга ёйилди ва толани тўқимачилар ҳавас билан сотиб ола бошладилар.

1980 йил Самарқанд вилояти партия активида Ш. Рашидов билан яна бир учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида унинг саволларига жавоб бера туриб, мен ўзимиз яратган навларнинг истиқболи, улар экиладиган майдонларни кўпайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдим. Ш. Рашидов янги навлар экилган майдонларда бўлганлигини, улардан жуда мамнун эканлигини айтди. Келинг, — деди у хиёл сукунатдан сўнг. — Бу навларни яхши бир хўжаликда — қўшни Тожикистондаги дўстимиз Ғофиржон Саматов хўжалигида экиб кўрайлик. Сиз шу хўжаликка боринг, раис билан учрашинг...»

Шундан сўнг Ленинобод вилоятининг Пролетар районидаги Ленин номли жамоа хўжалигига— раис Саматовнинг олдига бориб, Рашидовнинг таклифини айтдим. «Ўғлим, — деди Ғофиржон ака,— Ш. Рашидов ўзбек халқи учун ҳам, тожик халқи учун ҳам энг улуғ инсон. Келинг, унинг соғлиғи учун уч марта омин қиламиз. У нимани маслаҳат берса, шуни амалга оширамиз».

Ғ. Саматов навларимнинг уруғларидан олиб хўжалигида экишга аҳд қилди. Келгуси йили 200 гектар ерга АН — Самарқанд-2, Самарқанд-3 ғўза навларини экиб, юксак натижаларга эришди.

Сўнг Рашидов билан яна учрашдик, ўн минутга мўлжалланган суҳбатимиз қарийб икки соатга чўзилди. Институтдаги ишлар, кадрлар тайёрлаш тўғрисида сўзладим. Кейинги вақтда талайгина фан номзодлари, бир қанча фан доктори тайёрланганги ҳақида ва улар орасида чет элликлар ҳам борлигини гапириб бердим. У киши жуда хурсанд бўлиб, сизни соғ-саломат бўлишингизни тилаб уч марта омин қилганлигини айтганимда, Ш. Рашидовнинг юзларида илиқ табассум пайдо бўлди. Бизнинг у кишига нисбатан самимий, соф юрак билан қилаётган муносабатимиздан таъсирланганги кўриниб турарди. Шу билан бирга унинг чеҳрасидан толиққанлиги, инсонлар учун куч ва соғлиғини аямаслиги сезилиб турарди. Ниҳоят диссертация билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳал бўлгач, асосий муаммо — квартиралар мавзусига кўчдик. Мен уй-жой масаласида ҳеч ким бизга ёрдам бермаётганлиги, фанга фидойилиги туфайлигина ходимларимиз кам маошга чидаб, катта ақлий ва амалий ишларни бажаришаётгани, лекин уй-жой масаласи тобора кескин бўлиб бораётгани, агар ёрдам берилмаса яхши мутахассислардан ажраб қолишимизни айтдим. Ш. Рашидов ҳамма гапни индамай эшитди. Сўнг трубкани кўтариб шаҳар ижроия комитетининг раисига қўнғироқ қилди. «Воҳиджон, — дедилар оҳиста, — Ўсимликлар экспериментал биологияси институтини биласизми, жаҳонга маълум институтлардан. Унинг ходимлари ўзларининг ютуқлари учун диққат-эътибор ва ҳурматга лойиқдирлар. Нима учун биз уларга юз квартиралик уй қуриб бера олмаймиз. Мен оддий уйни назарда тутаётганим йўқ, балки махсус лойиҳа билан қуриладиган уйни айтяпман. У одамларнинг яшаши ва ижоди учун қулай бўлсин. Улар ҳатто ўзларининг илмий кенгашларини ҳам ўша ерда ўтказа олишсин. Бу одамлар эртаю кеч ишлашади. Шунинг учун яхши уйда улар яшашга лойиқдирлар».

Эртасига шаҳар ижроия қўмитасининг ходимлари институтимизга келиб, уй қуриладиган жой қаерда бўлишини ва лойиҳани муҳокама қилишди. Лекин бироз вақтдан сўнг улар бу иш билан шуғулланмай қўйишди. Биз эса ўз ишимиз билан банд бўлганимиздан назорат қила олмасдик. Уй-жой бўйича иш охири кўринмайдиган тарзда кейинга сурилаверди...

1982 йил май ойида Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик О. Содиқов, институтимизнинг ўша вақтдаги директори академик Д. Мусаев ва мен — академия ҳамда институт ишлари бўйича Ш. Рашидов билан учрашдик. Сўз орасида уй-жой масаласи тўғрисида эслатиб ўтишни лозим топдим. Шунда О. Содиқов ҳам академияда бошқа институт илмий ходимлари учун 2 та уй қуриб беришларини Ш. Рашидовдан илтимос қилдилар. Эҳтимол, бу ишнинг олға силжиматётганида бизнинг ҳам айбимиз бордир, қатъиқ туриб талаб қилмагандирмиз. Лекин бу соҳада асосий ишлар бизга боғлик эмасди. Сўзларимни эшитиб, Ш. Рашидов хийла асабийлашди. «Нима учун мен Сиёсий бюро қабул қилган қарорларнинг бажарилишини назорат қиламану сиз квартира қурилишини назорат қилмайсиз», дея менга савол назари билан тикилди. Хуллас, бир йилдан сўнг уй тайёр бўлди. Бизга ваъда берилган квартираларнинг ярмигина ажратилган бўлса-да, бу кўп ходимларимизга ўз ҳаётларини нормал изга солиб юборишга ёрдам берди. Уй аъло лойиҳа билан қурилган, яхши пардозланган, одамларнинг қувончи чексиз эди...

1983 йилнинг 14 октябрида Самарқанд вилоятининг Пахтачи районида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров бошчилик қилаётган «Коммунизм» жамоа хўжалигида. Ш. Рашидов район раҳбарлари билан суҳбатлашмоқда эдилар. Залга кирганимда, Ш. Рашидов нутқини тўхтатиб: «Ўртоқлар! Бу киши «Юлдуз» навининг муаллифи Жалилов бўлади. Кеча мен Навоий вилоятининг Хатирчи районидаги «Москва» жамоа хўжалигида экилган янги навни бориб кўрдим. Бир нарсани айтишим мумкин: унинг исми жисмига бутунлай мос. Шундай «Юлдуз» учун юлдуз бермоқ керак. Сентябрь ойидаёқ бутун ҳосил пишади. Тола сифати юқори, тола чиқиши 40 фоиз. Бунақаси ҳозирча бизда йўқ. Мен Самарқанд вилоятида фурсатни кечиктирмай бу нав бўйича элита хўжалиги очиш керак деб ҳисоблайман.

Кенгашдан сўнг мени ҳам чойга таклиф қилишди. Биз Ш. Рашидов билан анча суҳбатлашдик. Суҳбатимиз қишлоқ хўжалиги, ўзбек деҳқонининг ҳаёти, уни қандай қилиб яхшилаш мавзусида бўлди. Унинг доно, сермулоҳаза гаплари, фикрларидан у ҳар бир деҳқон, ҳар бир хўжалик ва бутун республикамизнинг ташвиши билан яшаётганини ҳис қилиб турдим. Ш. Рашидовнинг Ўзбекистон тараққиёти учун тузиб қўйган катта ва зукко режа ҳамда ғоялари бор эди...

Афсуски ҳаётда қувонч билан қайғу, дўст билан душман ёнма-ён турар экан, Баъзи бир кўнгли қора кишилар, менинг устимдан ҳукуматга хат ёзишди, навларимни ёмонлашди. Албатта, буларнинг ҳаммаси соғлиғимга путур етказди.

«Юлдуз» нави районлаштирилганлигига ҳам 4 йил бўлди. Мен яратган бошқа навлар ҳам экилмоқда, кўплаб янги навлар пайдо бўлаяпти. Лекин вилоятларда хўжаликларни айланганимда, навлар экилган майдонларни кўрганимда, ўша доно ва чеҳрасидан нур ёғилиб турган инсон — Рашидовни ўйлайман. Ҳа, у киши халқнинг фаровон турмуши йўлида жонини фидо қилди...

**О. ЖАЛИЛОВ.**
**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.**

• *Муаммо, мулоҳаза, таклиф.*

# ПОДАЧИ КЎП БЎЛСА...

Мана, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бозор иқтисодиётига кириб келди. Президентимиз кўп марта чет эллик ҳамюртларимиз ва бошқа фирма раҳбарларини Ўзбекистонга таклиф қилиб амалий кенгаш ва суҳбатлар олиб бормоқда. Қўшма корхоналар қуриляпти. Айни пайтда, ишбилармонлик қобилиятимизнинг паст даражада эканлиги ва бюрократлигимиз чет эллар билан алоқани ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Маълумки, чет элда фирмалар орасида миллион долларгача бўлган олди-бердилар ҳеч қандай қоғозбозликсиз, телефон орқали, зодагонларга хос амалга оширилади. Бизда эса, битта кичик муассаса ёки қўшма корхона ташкил этиш учун йиллаб турли ташкилотларнинг амалдорларига бош эгиб, ўнлаб ҳужжатлар тайёрлаш керак. Бундай бемаънигарчиликлардан ва бунинг орқасидан айрим амалдорлар бойлик орттираётганликларидан Республикамиз раҳбарияти хабардор бўлса керак, албатта. Бироқ на прокуратура, на бошқа юқори ташкилотнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, гўё бу ишлар мафиянинг қўлида. Бундан тўғри йўл билан чиқишнинг иложи йўқ шекилли. Гоҳида шундай фикр келади: тўғри йўл билан бирор нарсани амалга ошириш мумкинми? Бундай ҳол қачонгача давом этади?..

Ўзимиз жавоб бериб қўя қолайлик. Ҳар бир инсон ишининг натижасига, давлатга келтираётган фойдасига қараб, керакли миқдорда ойлик билан таъминланмас экан, бу «сиёсат» давом этаверади. Шу жумладан олий таълим соҳасида ўзам кейинги пайтда порахўрлик ошкора тус олиб кетди.

Ўқув юртларига билимга ташна йигит-қизлар танлаб олинмоғи зарур. Биз 30 йилдан бери олий билимгоҳда домлалик қиламиз. Шу давр ичида қўлимиздан минглаб талабалар ўтди. Минг афсуски, уларнинг бирнеча фоизигина талаб даражасида, холос. Бизлар 60 йиллар талабаси эдик. Мақсадимиз ягона — чуқур билим олиб Ўзбекистонимизга керакли инсон бўлиб етишиш эди. Афсуски, 70—80 йилларга келиб олий билимгоҳларда муҳит кескин ўзгарди. Илимгоҳга кўплаб савияси паст, таниш-билиш қилиб илмий даражалар олган сохта «олим»лар келиб, керакли курсиларни эгаллай бошладилар. Уларнинг мақсадлари битта нима қилиб бўлса ҳам бойлик орттириш, илмий даражалар учун сарф бўлган пулларини юз баравар қайтариб олиш. Улар мақсадларига ҳам етдилар. Ҳақиқий олимлар ва домлалар «иккинчи сорт» деб четга суриб қўйилдилар. Энди давлат «сиёсати»ни улар олиб борадиган бўлдилар. Илмгоҳларга фақат таниш-билиш ёрдамида кириш мумкин бўлиб қолди. Бу эса келажагимизнинг илдизига болта уриш билан баробар эди. Гапимизнинг исботи учун турли корхона раҳбарлари билан бўлган суҳбатларни келтирамиз. Уларнинг фикрича, биз тайёрлаётган муҳандисларнинг савияси жуда паст, ҳеч қандай талабга жавоб бермайди. Эсиз-эсиз давлатимизнинг сарф қилган пуллари. Бундай учрашувлардан сўнг ўйлаб қолласан киши: наҳотки иложи йўқ, қачонгача бундай ҳол давом этади?...

Иложи бор, дўстлар. Фақат, бунинг учун ҳақиқий олимларни, халқ учун жонини фидо қилишга тайёр турган оқил, доно, маънавий бой инсонларни топиб-танлаб ўз ўрнига қўйиш лозим.

Эндиликда олий илмгоҳларда кадрлар тайёрлаш тизимини ўзгартирмасдан туриб, яхши мутахассис тайёрлаш мумкин эмаслигини кўпчилик тушуниб қолди. Кейинги икки йилда кўплаб талабалар (яна таниш-билишчилик бўлаяпти) яхши ниятлар билан чет элларга билим олиш учун юборилаяпти. Жуда яхши, лекин бу дарёдан томчи холос. Биз ўз она диёримизда таълим соҳасида янги тизимни жорий қилмас эканмиз, олий мақсадга ета олмаймиз. Бунинг учун имкониятларимиз албатта бор:

**Биринчидан, олий билимгоҳга кириш имтиҳонлари тизимидан батамом воз кечмоқ зарур. Иккинчидан, мактаблар қошида корхона раҳбарлари, педагогик жамоа тавсияси билан ва иштирокида ТЕСТлар ёрдамида иқтидорли ўқувчиларни ажратиб олиш лозим. Учинчидан, бу ўқувчилар учун корхоналар олий илмгоҳларга зарур миқдорда пул ўтказиб берсинлар. Тўртинчидан, домлаларнинг оладиган маошлари керакли даражага кўтарилиши лозим. Улар оилани боқиш ташвишидан қутулиб, фақат билим бериш билан машғул бўлишлари шарт. Бешинчиндан, кўр-кўрона ёппасига мутахассис тайёрлашдан воз кечиш лозим. Олтинчидан, сиртқи ва кечки факультетлар асосан тугатилиши керак. Ўзбекистонда бу мақсадда (истисно тариқасида) битта олий илмгоҳ ташкил қилиш етарли.**

Талабалар ўқиш давомида бир-икки йил чет эл университетларида ўқиб келиш имкониятларига эга бўлсинлар. Ўқиш давомида барча имтиҳонлар фақат тестлар орқали амалга оширилиши зарур. Билимни ЭҲМ баҳолайди. Имконияти борича илмгоҳлар сонини кескин камайтириш даркор. Ана шунда, сонда бор, саноқда йўқ кадрлар тайёрлашдан воз кечамиз. Маълумки, 60 миллион аҳолига эга бўлган Туркияда 29 университет бор экан холос. Уч баравар кам аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда эса 46 олий билимгоҳ мавжуд...

Эски замондан қолган нақл бор: «Ҳамма олим бўлса, подани ким боқади?» Ҳозиргача шу иш бўлди ва бўлмоқда Диплом олган мутахассис кўп, лекин ҳақиқий врачни, муҳандисни ёки педагогни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайди. Масалан, бир автокорхонага нечта ҳақиқий мутахассис керак? Менимча, бир ёки иккита, яъни директор ва бош муҳандис. Директор яхши иқтисодчи бўлиши шарт. Қолган лавозимларда оддий шафёр ёки техниклар (бакалаврлар) ҳам ишласа бўлади. Тошкентда техника, педагогика, маданият, тиббиёт, иқтисодиёт, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги университетлари каби кундузги университетларни ташкил қилган маъқул.

Бу ҳолда яна социал муаммо пайдо бўлади, яъни ишсизларнинг сони кўпаяди. Нима қилмоқ керак? Чет элларда қандай бўлса, шундай қилиш лозим. Ишсизга вақтинча яшаб туриши учун нафақа берилсин ва шу даврда у керакли касбни эгалласин. Самарасиз меҳнатдан кўра маълум даражадаги маошни олиб уйда ўтирган маъқул.

Олий илмгоҳларда фақат ўз касбининг устаси ва фидойи домлалар дарс беришлари шарт, чунки улар тўғрисида давлат ғамхўрликни ўз бўйнига олади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимини ўзгартирмасдан туриб олий мақсад — Ўзбекистоннинг равнақига эришиб бўлмайди.

**Сарвар ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мухбир аъзоси.**

**Олег ЛЕБЕДЕВ,**
**ЎзФА академиги.**

**Самарқанд шаҳридаги «Гулбаҳор» маиший хизмат уйида аҳолига хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Муҳаббат Маҳмудова шу ерда 18 йилдан бўён тикувчилик қилади. Ўнлаб шогирдлари бор. Ойлик иш режаларини доимо ошириб бажаради.**

**СУРАТДА: Муҳаббат Маҳмудова.**

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

• *Кескин фикр*

# «ШАЙТОН СУВИ»ДАН ВОЗ КЕЧАЙЛИК

Аллоҳга шукроналар бўлсинким, биз бугун ўз эътиқод ва динимизга қайтиб, ҳаётга ўзгача, чинакам инсоний тафаккур билан қарай бошладик. Замона зайли билан Оврўпо «маданият»и ортидан кўр-кўрона эргашиб тўй-ҳашамларни ана шундай «маданият анъаналари»дан бири бўлмиш спиртли ичимликлар ичиб нишонлаш бизда одат тусига кириб қолган. Бу иллат онгимизга шу қадар сингиб кетганки ҳали ҳам кўпчилик «ароқ ичиш—гуноҳ» деган ҳақиқат қаршисида «бу ҳам Худонинг бир неъмати-да» деб ўзларини оқлаган бўладилар.

Динимизнинг мўътабар уламоларининг сайъи-ҳаракатлари туфайли халқимизга етиб келаётган ажойиб китоблар орқали савоб ва гуноҳнинг фарқига ета бошладик.

Хўш ароқхўрлик гуноҳми ёки савоб?

Наҳотки ароқхўрликнинг жазоси тайин эканлигини билатуриб ҳам бунга қарши чора кўриб, ўзимизга шафқат қилмасак? Ароқхўрликнинг аянчли оқибатлари ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Турган-битгани зарар. Ҳозирги ҳурлик ва покланиш замонида билиб-билмай қилган нопок ишлардан сақланмоғимиз даркор.

Сир эмаски, Республикамиз учун спиртли ичимликлардан келаётган даромад анча салмоқли. Лекин даромад ортидан қувиб гуноҳларга ботмаслик даркор. Бу борада мутасадди раҳбарларнинг ҳам эътиборини тортмоқчиман. Менинг қатъий фикрим шу: диёримиздаги жамики спиртли ичимликлар тайёрловчи корхоналарни тақа-тақ тўхтатиб, ишлаб чиқариш мақсадини ўзгартириш керак (тиббиёт ва саноат учун хизмат қилувчилари бундан мустасно, албатта). Майли, бунинг учун 1—2 йил, ана борингки 3—4 йил вақт кетсин, лекин барибир ичкиликбозликдан воз кечишимиз керак.

Спиртли ичимликларнинг келтираётган фойдасига келсак, унинг ҳиссасини бошқа йўллар билан тўлдириш мумкин.

Умид қиламанки, яқин келажакда кўп эзгу ниятларимиз ва келажак авлодлар учун ўзимиздан хайрли ишларни мерос қилиб қолдирамиз.

**Ихтиёр ХОЛМИРЗА ўғли.**

• *Олий таълим муаммолари*

# ЯНГИЧА ТИЗИМ ДАРКОР

Олий тиббий таълим тизимини қайта ташкил этишни абитуриент (кирувчи)ларни тайёрлашдан бошлаш лозим. Чунки ўрта мактаб олий таълимга тайёрлаш вазифасини бажара олмайди. Шу мақсадда таълим масканларининг гимназия ва лицей каби турларини ёйиш керак. Касбга йўналтиришни такомиллаштириш учун нафақат Тошкент шаҳрида, вилоятларда ихтисослашган тиббий лицейларни ташкил этиш ҳам тавсия этилади. Бу тадбир қишлоқ жойларида касбга йўналтириш тизимини такомиллаштиради. Аҳолисининг кўп қисми қишлоқларда яшайдиган Ўзбекистон учун бу айниқса муҳимдир.

Ўрганиш қобилиятига эга истеъдодли, тиббий билимларга ўта қизиқувчи болаларга тиббий-биологик йўналишга ихтисослашган республика мактаб-интернатини очиш керак. Токи яқин вақт ичида замонавий табобат учун қадимги Шарқ қомусчи олимларининг меросига йўл очилсин.

Юқори малакали тиббий ҳамширалар тайёрлаш ва ҳамширалик иши назарияси ва амалиёти соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш учун шарт-шароит зарур. Тиббиёт институтларимиздан бирида «ҳамширалик иши» факультетини ташкил этиш йўли билан юқори малакали ихтисосларга мувофиқ ҳамширалик бўйича олий маълумот олиш мумкин.

Республика янги мақомга эга бўлган бир шароитда, Қуролли Кучлар қайта ташкил этилаётгани, мустақил давлатлар тузилгани муносабати билан Ўзбекистоннинг тиббий хизмат бўйича заҳирадаги зобит (офицер)ларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, бизнинг назаримизда, тиббиёт олий билимгоҳларида ҳарбий-тиббий факультети ташкил этиш лозим. Тиббий хизмат бўйича заҳирадаги зобит (офицер)лар тайёрлашни одатдаги шифокор тайёрлашдан ажратиш керак. Хотин-қизлар эса ҳарбий тайёргарликдан бутунлай озод қилинади. Бу масала ҳал этилса, талабаларнинг ҳарбий-тиббий тайёргарликни ўташига зарурат қолмайди.

Олий таълим вазирлиги коллегиясининг бу йил кучга кирадиган «Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртига кириш қоидалари ҳақида»ги қарори бўйича олий ўқув юртига қабул қилишда билим ягона мезон бўлиб хизмат қилади. Бу омил кадр тайёрлаш сифатини яхшилашда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Қардош Туркия олий мактабларида ўқув жараёнига хос диққатга сазовор ўринлардан бири талабалар ўзлаштиришини баҳолашнинг 50—100 баллик усулидир. Ҳозир бизда қўлланилаётган 5 баллик (аслида 4 баллик) баҳолаш усули ўз умрини яшаб бўлди, билим ва кўникмаларни баҳолашга ярамай қолди ҳисоби. Республикамизда тиббий таълимнинг янги тизимида талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш саралаш воситаси бўлиши керак.

Жиддий саралаш, ўрта мактаблар, тиббий лицейлар, мактаб-интернатлар ва махсус ўқув юртларининг барча битирувчилари учун танлов тизими — бу мутахассисни тиббиёт олий билимгоҳида бундан кейин тайёрлашни бутунлай ўқув муассасасининг ўзи томонидан белгиланади.

Ҳозирда республикамизнинг етакчи тиббий олий билимгоҳлари талабаларга икки босқичли таълим беришга ўзининг барча имкониятлари жиҳатидан тайёр. Умумбиологик тайёргарлик дастлаб 1,5 йил давом этиб, имтиҳон билан якунланади. Умумтиббий тайёргарлик эса (3,5 йил), 5-курсда ўқув режаси бўйича курс имтиҳонлари топшириш билан тугайди. Якуний имтиҳонлардан ўта олмаганларга фельдшер дипломи берилиб, улар амалий ишга юборилади. 6-курсда умумий амалиёт шифокори махсус дастури бўйича базисли таълим бериш ўқув йили охирида асосий клиник фанлар (ички касалликлар, жарроҳлик касалликлари, доялик ва гинекология) бўйича Давлат имтиҳони топшириш билан якунланади. Ўшанда битирувчига синалувчи шифокор (шифокор-бакалавр) дипломи берилади. У ҳали мустақил равишда ишлаш ҳуқуқига эга бўлмайди, аммо тез ёрдам кўрсатишга ва юқори малакали мутахассис-шифокор раҳбарлиги остида ишлашга тайёрланган бўлади. Битирувчи ихтисосига қараб 2—5 йил мобайнида йирик кўп соҳали касалхоналарида ва поликлиникаларида — олий билимгоҳ базаларида шўъба ходимлари раҳбарлиги остида ихтисослашувидан ўтади. Ихтисослашув тугагач, мустақил аттестация ҳайъати унинг «мутахассис-шифокор» — магистр малакасини тасдиқлайди ва диплом шаҳодатномасини беради. 2 йилдан 5 йилгача бўлган таълимнинг янгича ташкилий шакли яратилган.

Шундай қилиб, тиббиёт олий билимгоҳида «даволаш иши» ихтисоси бўйича таълим оладиганлар 6 йилдан кейин синалувчи-шифокор (бакалавр), 8—11 йилдан кейин эса мутахассис шифокор (магистр) бўлиб етишади. Ўшанда шифокор ўз соҳаси бўйича билимини ошириб туриши ва ўз шифокорлик малакасини тасдиқлатиши учун вақти-вақти билан аттестациядан ўтиб туриши керак.

Шифокор 5 йил мутахассис — шифокор бўлиб ишлагач, 1 тоифага даъвогар бўлиши мумкин. 10 йилдан кейин эса олий тоифага. Бу концепцияда касб малакасини оширишнинг бевосита иқтисодий воситалари катта аҳамият касб этади.

Тиббиёт олий билимгоҳи битирувчиси шифокорлик малака тавсифномаси талабларига тўла жавоб бериши керак. Малака тавсифномаси, ўз навбатида, мукаммал бўлиши, шифокор тайёрлаш халқаро стандартлари сифат даражаси билан тенг бўлишига кафолат бериши, шунингдек шифокорлик дипломининг халқаро шаҳодатномалари жорий этилса, дипломнинг халқаро обрўйини таъминлаш керак.

Ишлаб чиқилган концепцияни муваффақиятли амалга ошириш ўқув юртлари моддий-техник базасини ривожлантириш учун қўшимча маблағни ва уларнинг илмий педагогик таркибини мустаҳкамлашни, ўқув юртлари таркибидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни қайта ташкил этишни, талабалар ва ўқитувчилардаги ўз меҳнатининг пировард натижаларига бефарқликни бартараф этишни талаб қилади. Гуруҳлардаги талабалар сонининг камайиши, бир томондан қўшимча маблағ талаб этади, иккинчи томондан талабаларнинг билимга ташналигини, ижодий имкониятларини, клиник фикрлашини ўстиради, барча талабаларда таълим мобайнида асосий умумий шифокорлик кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Республикамиз ва хорижий давлатлардаги тиббий олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, ахборот алмашувлар тиббий таълимни такомиллаштиришда ва халқаро тажрибага мувофиқ мутахассис тайёрлашни бир хиллаштиришда, бизнинг мутахассисларимизни хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича халқаро дастурларни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу дипломнинг қийматини белгилаш муаммосини ҳал қилишга холис ёндашиш, тиббий ўқув юртлари битирувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини қиёслаш, республикамизда жаҳон савиясидаги олий тиббий таълим тизимини яратиш имконини беради.

**Ҳамид КАРИМОВ,**
**Тошкент давлат 2-тиббиёт институтининг ректори, профессор.**

• *Қутлов*

# СУВДАЙ СЕРОБ БЎЛИНГ...

Мустақилликка эришган юртимизда умрини халқ хизматига бағишлаган кўплаб олимларимиз бор. Шундай алломалардан бири Саидраҳмон Мирзаевдир.

Эллигинчи йилларнинг бошларидан то шу кунга қадар ҳормас-толмас илм соҳиби С. Мирзаев инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган ичимлик сувларни қидириш, топиш йўллари, уларнинг заҳираларини ҳисоблаш ва муҳофаза қилиш билан бирга, Ўрта Осиё минтақасида ерости сувларининг шакланиш ва тарқалиш қонуниятларини очишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб борди. 1961 йилгача Тошкент техника дорилфунунида талабаларга гидрология фанидан сабоқ берди. Кейинги йилларда у Ўзбекистон Фанлар академияси қошида очилган Гидрогеология ва муҳандислик геологияси илмгоҳида меҳнат қилиб, фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказолди, Украина ва Русиянинг жанубий ҳудудлари миқёсида кенг кўламда изланишлар олиб бориб ўзининг шоҳ илмий асарларини яратди.

Олимнинг илмий ишларининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат: у қурғоқчил иқлим минтақасида ерости сувларининг регионал ресурслари харитасини ва ҳисоблаш услубини, ерости сувларини қидириш усулларини ва заҳираларини ҳисоблашни ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди, ҳамда ерости сувларини суғоришга ишлатиш мумкинлигини асослади; қурғоқчил иқлим минтақасида ерости сувлари заҳираларини сунъий йўл билан бошқаришни илмий асослаб ҳаётга жорий қилди:

Ер ости сувлари заҳираларини ишлатиш натижасида уларнинг ўзгаришини олдиндан айтиб бериш услубини ишлаб чиқди; Орол денгизини қутқаришнинг илмий дастурини яратди.

Унинг изланишлари янги илмий ғояларни мукаммал таҳлил қилгани билан кўпгина олим ва мутахассисларнинг диққатини ўзга жалб этди. У 1970 йилда фан доктори илмий даражасини олди. 1971 йилда эса олимга илмий кадрларни етиштиришдаги хизматлари учун гидрогеология фанлари бўйича профессорлик илмий унвони берилди.

Шу йилдан бошлаб Саидраҳмон Шообдиевич Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи гидрогеология таҳсилгоҳи мудири бўлиб меҳнат қила бошлади. Ҳаёт уни энг зарур бўлган сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш ва кундаги ҳаётга тадбиқ қилиш учун жонажон Ўзбекистонимизга кўпгина мутахассислар керакligини тушунган олим, собиқ иттифоқда биринчи бўлиб билимгоҳда сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш таҳсилгоҳини очиб, талабаларга шу масалалар бўйича илм бера бошлади.

Бундан ташқари у кейинги ўн йилда билимгоҳнинг гидромелиорация куллиётининг декани бўлиб, шу соҳада мутахассислар тайёрлашда катта хизматлар қилди. Сўнгги йигирма йил ичида олим ўз тадқиқотларини Ўзбекистон ва Ўрта Осиё миқёсида оқар ва ер ости сувларини халқ хўжалигида ишлатиш муаммоларини ечишга қаратди. Айниқса Фарғона водийсида оқар сувлар тақчил бўлган 1974—1975 йилларда олимнинг катта меҳнати туфайли катта майдонлардаги пахта ҳосили ерости сувлари билан суғориб сақлаб қолинган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, 70-йилларнинг бошларида олимнинг Орол денгизи тўғрисида башорат қилиб айтган фикрлари тўғри чиқди. Ўша пайтда олим Ўрта Осиё минтақасида оқар сувлар ва ер ости сувларни бир-бири билан боғлиқлиги Аму ва Сирдарё сувларини маълум миқдорда чегараланганлиги ва суғориш майдонларининг белгиланган миқдордан кўпайиб кетиши, Орол денгизини ҳозирги аҳволга олиб келишини айтган эди. Бу фикрлар чуқур илмий мулоҳазалар асосида айтилган бўлса-да, лекин ҳеч ким бу тўғрисида ўйламади ва ўйлашни хоҳламади. Шунга қарамасдан Саидраҳмон Шообдиевич Орол денгизи ҳамда ерости сувларининг халқ хўжалигида амалий аҳамияти ҳақида изланишларни давом эттирди.

Олим катта шаҳарларни ичимлик суви билан таъминлайдиган иншоотларнинг сув миқдорини кўпайтиришда ерости сув ҳавзаларининг сунъий тўйиниш усулларининг илмий асосини ишлаб чиқди ва шу усулларни Қибрай сув иншоотида қўллаб, Тошкент аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Кейинги пайтда С. Мирзаев ўз илмий изланишларини Орол денгизини сақлаб қолиш илмий концепциясини ишлашга, суғориладиган ҳудудларда суғоришда ишлатилаётган сувларни кам сарф қилишга ва қишлоқ аҳолисини чучук сув билан таъминлаш муаммоларини ечишга қаратяпти.

Олим ўзининг олтмиш йиллик юбилейини 200 дан ортиқ кенг қамровли илмий асарлари ҳамда 40 дан ошиқ фан докторлари ва фан номзодлари етиштириш билан кутиб олаяпти. Бундан ташқари, Саидраҳмон Шообдиевич йирик жамоат арбобидир. Ҳурматли олимимиз Ўзбекистон халқ депутати, Ўзбекистон Олий Кенгаши экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш қўмитаси раисининг муовини ҳамдир. Айни вақтда Акмал Икромов районидаги йирик маҳаллалардан бирига раис.

С. Мирзаевга халқ олдидаги катта хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган унвон берилган. Фидойи олим ўзининг олтмиш йиллигини куч-қувватга тўлган ҳолда кутиб олмоқда. Ҳаётингиз, ижодингиз сувдай сероб бўлсин, устоз!

**С. ҚОСИМОВ,**
**геология-минералогия фанлари доктори, профессор.**
**Р. ЭШОНҚУЛОВ,**
**геология-минералогия фанлари доктори.**

РАҚҚОСА ХИРОМ АЙЛАР.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

# Охиригача курашган ютади

**ЎТГАН куни енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда жаҳоннинг энг кучли командалари маҳоратларини намойиш этишди. Финал. Баҳсида чемпионлик учун майдонга тушганларнинг аксарияти ўз мамлакатининг мутлоқ чемпиони ёки жаҳон олимпиа совриндорлари эдилар. Айниқса Олмония, АҚШ, Италия, МДҲ, Япония, Хитой жамоалари ўртасида кураш қизғин тус олди. Чемпионликка даъвогарлик қилаётган М. Маллер Я. Лич, Жон Берглер (АҚШ); Ли Ге, Ли Сёв Шан (Хитой); Б. Перетти (Италия) брус ва ҳалқада машқ бажариш жараёнида бехато ҳаракат қила олмадилар. Бу гуруҳда иштирок этган МДҲ спортчилари Валерий Белинкий, Виталий Шерба, Игорь Кробчинский, Григорий Масютинлар машқларни рақибларга нисбатан пухта адо этишди. Команда ҳисобида тўпланган баллар ҳам рақибларникидан ошиб кетди. Улар олимпиа чемпиони унвонига сазовор бўлишди.**

**Бешкураш беллашувларида эса Польша спортчиларининг қўллари баланд келди. МДҲ ва Италия олимпиачилари иккинчи, учинчи ўринларни баҳам кўришди.**

**Қўл тўпи бўйича навбатдаги босқичга йўллама учун МДҲ Франция командалари учрашишди. Матчнинг биринчи бўлимида франглар кетма-кет ҳужум уюштиришди. Улар МДҲ дарвозабони Андрей Лавровни бир неча бор доғда қолдиришди. Биринчи бўлим 18:19 ҳисобида франглар фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи бўлим бошланиши билан рақиблар яна ташаббусни қўлга олдилар. Уч-тўрт дақиқа ичида МДҲ дарвозасини уч бора забт этишди. Спортчиларимиз бу муваффақиятсизликлардан довдираб қолишмади. Майдонга Эйтимович, Дуйшебаевлар тушишди. Улар сўнгги дақиқаларгача ҳамкасбларини ўз атрофида жипслаштириб, масъулиятни ҳис қилиб ўйнашга даъват этишди. Уюшқоқлик билан қилинган ҳужумлар бесамар кетмади. Рақиб дарвозабони қаторасига беш марта тўр ичидан тўп олишга мажбур бўлди. Ҳамюртларимиз 23:22 ҳисобида ғолиб чиқишди.**

**Штангачилар (67,5 кг) баҳси ҳам қизигандан қизиди. Силтаб кўтаришда Олмониялик кемасоз А. Бенм 145 кг, Болгар Й. Йотов 152 кг, МДҲлик И. Мелитосиян 157,5 кг натижага эришдилар. Хитойлик Й. Вонг уч бора уринса-да муваффақият қозонолмай боши ҳам ҳолда майдонни тарк этди. Бу турда И. Мелитосиян 337 кг, Й. Йотов 327 кг натижа билан олтин, кумуш медалларга эга бўлишди. А. Бенмга бронза медали насиб этди.**

**Тўрт километрли велопойгада инглиз Крестофор Гортман олмониялик пойгачи Янс Лемонни доғда қолдирди. Инглизлар шу тур бўйича сўнгги марта 1908 йилда ўтказилган олимпиадада совриндор бўлишган экан. Шу боис дастхат сўровчи мухлислар ётоқхонада ҳам, кўча-кўйда ҳам Гортманга тинчлик беришмаяпти.**

**Курашчи полвонларимиз ҳам навбатма-навбат ғалабага эришаяпти. Олег Кучеренко (енгил вазн) италиялик 1984-88 олимпиа чемпионини, М. Искандарян польшалик рақибини, Александр Карелин (оғир вазн) эса жаҳон чемпиони швед Томас Юхансонни мағлуб этиб олтин медаль билан уйга қайтадиган бўлишди.**

**Дзю-до бўйича (аёллар. 66 кг) майдонга чиққан кубалик О. Реви, Валдимар Лежен (эркаклар. 67 кг) ҳам олимпиа чемпиони унвонини олишди.**

• *«Халқ сўзи»га хат*

## МАОШИМИЗНИНГ ХЎЖАЙИНЛАРИ БОР ЭКАН

Тошкент тўқимачилик фабрикаси ишчиларига маош берилаётган куни биз ҳам кассага бордик. Аммо у ерда ўтирган кассир аёл «Сизларга ойлик фақат 2-цех бошлиғининг рухсати билан берилади», деди.

Биз не кўз билан кўрайликки, табелда пулимиз чиққану, аммо қалам билан ёнига қандайдир белги қўйилган эди. Кейинчалик билсак бу «маоши рухсатсиз берилмасин», дегани экан.

Шу пайт кутилмаганда 2-цех бошлиғи А. Нурматовнинг ўзлари касса олдига келиб қолдилар. У кишидан маошимизни тарқатишга рухсат беришни илтимос қилганимизда «ишга чиқинглар, кейин оласизлар», дея жавоб қилди. Биз ҳозир имтиҳон топширяётганимизни, тугаса кейин ишлашимиз мумкинлигини тушунтиришимизга қарамасдан ўз гапида туриб олдилар.

Биз ариза ёзиб ишга кирмаганмиз, балки республика ўқув ишлаб чиқариш марказига ўқиш ва практика ўташ учун келганимиз, унинг муддати эса тугади. Ахир ишлаганмиз, иш ҳаққимизни ололмасак адолатданми? Бу ҳам етмагандек, «Боринглар, ҳақларингни оталарингдан талаб қилинглар, қўлингиздан нима ҳам келарди, ойликни бердирмайман, йўқолинглар», дея у киши бизни ҳақорат қила бошлади. Қизиқ, биз отамизнинг уйида эмас, давлат фабрикасида ишладикку, ўша меҳнатимизга яраша ҳақ талаб қилянмиз, холос.

Биз бу ишларни одилона ҳал қилиб беришини илтимос қиламиз.

**Н. ҒУЛОМОВА,**
**Х. САМАДОВА.**
**ва бошқалар.**
**(Жами етти имзо).**

ҲОДИСА

# АЙИҚНИНГ БИР ҲАМЛАСИ

СОҒЛИГИМНИ мустаҳкамлаш учун Тошкентдаги Ботаника санаторийсига келдим. Кўнгилдагидек даволаниб, дам олиб юрувдим. Афсуски, бир нохуш ҳодисага беихтиёр гувоҳ бўлиб қолганимдан сўнг дилим ғашланаверади. Бир куни...

Бир куни санаторийга хизмат қиладиган автобус билан 25 киши ҳайвонот боғига саёҳатга бордик.

Орамизга бир аёл 5 яшар ўғли билан қўшилиб қолган экан. Айиқлар яшайдиган панжаралар ёнига яқинлашганимизда ҳалиги аёл ўғли ёнида йўқлигини пайқаб қолди. Не кўз билан кўрайлик — қўлини панжарадан чиқариб олган оқ айиқ боланинг чап қўлидан тортарди. Маҳлуқ боланинг панжаларини бирдан оғзига солганида унинг онаси «вой болам» деб қичқирди. Санаторийда даволанаётган поплик ногирон — Эргашев ҳассаси билан ҳайвонни урди, лекин айиқ бола қўлини қўйиб юбормади. Иккинчи бир йигит шошган куйи таёқ билан айиқнинг калласига бир неча маротаба урганидан сўнггина айиқ уни қўйиб юборди. Лекин... маҳлуқ ҳамманинг кўз ўнгида боланинг учта панжасини узиб олиб еди. Бола ҳушидан кетди... Ҳайвонот боғи бўйлаб саёҳатимиз шу тариқа ниҳоясига етди.... Ҳаммамиз у ердан жуда хафа бўлиб чиқиб кетдик.

Ҳайвонот боғи мутасаддилари бундай тасодифларнинг олдини олишни ўйламасликларидан, дам олувчиларнинг муҳофазаси кафолатланмаганидан ниҳоятда ранжидим. Бу ерга катталарга қараганда ёш болалар кўпроқ келишини ўйлаганимда беихтиёр даҳшатга тушавераман. Бундай дейишимга асос бор. Негаки ана шу аянчли воқеа содир бўлганидан сўнг ҳайвонот боғи мутасаддилари ҳатто «Тез ёрдам»ни чақиришга ҳам ярамадилар. Бечора она беҳуш ўғлини қучоқлаб аллакимнинг шахсий машинасида касалхонага кетди...

**Б. БЕРДИЕВ,**
**Фориш район,**
**Ухум қишлоғи.**

# Соҳибқирон хотирасига бағишланади

**АМИР ТЕМУР ВАТАНИ ШАҲРИСАБЗДА СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНИБ МИЛЛИЙ КУРАШНИНГ БУХОРОЧА УСУЛИ БЎЙИЧА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ 9—11 АВГУСТ КУНЛАРИ ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН КЕШНИНГ МАРКАЗИЙ ХИСОР ЎЙИНГОҲИДА БЎЛАДИ.**

Мусобақаларда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон ва Афғонистон мамлакатларидан, МДҲга кирувчи Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва Россия жумҳуриятларидан, шунингдек, жумҳуриятимиз полвонлари иштирок этадилар. Қашқадарё вилоят спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Анатолий Акоповнинг айтишича, бу халқаро мусобақаларда 12 та команда қатнашиши кутилмоқда. Полвонлар беллашувини ўтказишдан мақсад, кейинги пайтларда деярли четга чиқариб қўйилган курашнинг бухороча усулини жонлантириш, чаққонлик, кучлиликнинг рамзига айланган курашнинг бу усулини кенг тарғиб этиш, ҳатто жаҳон миқёсида ўтказиладиган олимпиадалар, бошқа мусобақалар дастурида ўзининг муносиб ўрнини олишига йўл очишдан иборат.

Мусобақаларни ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда ўтказиш, полвонларга, беллашувни ёритиш учун бу ерга келадиган журналистлар ва бошқа меҳмонларга қулай шароит яратиб бериш, маиший ва маданий хизмат кўрсатишни уюштириш учун вилоят ҳокимининг ўринбосари Озод Пармонов раислигида ташкилий қўмита тузилган. Ташкилий қўмита халқаро турнирни ўтказишга бағишланган барча тайёргарлик ишларига бош-қош бўлаётир. Мусобақалар ўтадиган ўйингоҳ ва унинг атрофи ободонлаштирилмоқда.

Дастлаб мусобақа ғолибларига соврин сифатида 100000 сўм ажратилган эди. Жумҳуриятимиз Президенти И. Каримовнинг халқаро полвонлар беллашуви ғолибига 200 минг сўмлик Президент соврини белгилагани мусобақанинг обруини ошириб юборди, чет элларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Вилоят ҳокимлиги мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун қўшимча равишда 200 минг сўм ажратди. Шаҳрисабздаги пиллакашлик, «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикалари, вино-ароқ заводи, Амир Темур номидаги жамоа хўжалиги мусобақаларга ҳомийлик қилиш истагини билдирдилар. Жамоалар мусобақа ғолибларига махсус совринлар таъсис этиш ниятидалар.

9 август куни Амир Темур томонидан бунёд этилган машҳур Оқсаройда мусобақаларнинг очилиш маросими бўлади. Маросим театрлаштирилган бадиий қисм билан бошланади. Полвонлар, меҳмонлар ва томошабинлар республикамизнинг машҳур санъаткорлари ва ижрочи ёшларининг чиқишларини мароқ билан томоша қиладилар. Шундан сўнг томошалар ўйингоҳга кўчади. Шарқнинг машҳур полвонлари, курашнинг бухороча усулларини намойиш этадилар.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НИҲОЯТ БИРЛАШДИЛАР

ШУ пайтгача Навоий шаҳар савдо тармоқларида тарқоқлик мавжуд эди. Масалан, ишчилар таъминоти бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинати ихтиёрида бўлса, шаҳар савдо бошқармаси Савдо вазирлигига бўйсунар эди. Кўриб турибсиз, энди Москва йўқ. Унинг Ўзбекистондаги корхоналари ўзимизга ўтди. Савдо вазирлиги ҳам тугатилиб, «Ўзбексавдо» концернига айлантирилди.

Бундан буён Навоийда ишчилар таъминоти бўлими ҳам, савдо бошқармаси ҳам бўлмайди. Улар энди Навоий вилоят савдо бошқармасига бирлашдилар. Раҳбарлар камайди, пештахталар тўлиб, арзонгарчилик бўлармикан?

**М. МАРДИЕВ.**

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди. 21. 30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12